

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК

НОРАЛИЕВА ДИЛДОРА АБДУВАЛИКОВНА
БАДИЙ МАТНДА ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ
СЕМИК МУВОФИҚЛАШУВИ
(ИҚБОЛ МИРЗО АСАРЛАРИ АСОСИДА)

Лингвистика (ўзбек тили) мутахассислиги бўйича магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар:

Ш.Искандарова
филология фанлари доктори,
профессор

Диссертация Фарғона давлат университетининг тилшунослик кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

Ш.Искандарова
филология фанлари доктори,
профессор

Расмий тақризчи:

О.Бозоров
филология фанлари номзоди,
доцент

Етакчи илмий муассаса:

ҚДПИ

МУНДАРИЖА:

Кириш. Ишнинг умумий тавсифи.....	4
I боб. Бадиий матннинг синтактик хусусиятлари.....	9
1.1. Предикат ва унинг аргументлари.....	21
1.2. Лексемаларнинг мазмуний мослиги. Валентлик.....	30
II боб. Бадиий матнда мувофиқлашув масалалари.....	39
2.1. Предикат ва унга боғланувчи воситаларнинг семик мувофиқлашуви.....	45
2.2. Аргументлар ўртасидаги шаклий-семантик мувофиқлашув	59
Хулоса.....	74
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	77

КИРИШ. ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Бугун биз тарихий даврда халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадалр қўйиб тинч осойишта ҳаёт кечираётган, авваломбор, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз.¹

Маълумки ўзликни англаш миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили бу – миллатнинг руҳидир.²

Ҳар қайси миллат, катта ё кичиклигидан қатъий назар, ўз она тилини ҳурмат қилади. Маънавият инсонга она сути, она намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади. Она тилининг муҳим аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради.³

Ўзбек тили жонли сўзлашув, адабий тил ҳамда ёзувибўлган, турли тарихий маданий босқичларни ёзуви бўлган турли тарихий – маданий босқичларни акс эттирган, кўп ёзма манбаларга эга тиллардир. Тил ходисаларини текширувчи халқ тарихини ҳар томонлама ўрганмасдан, тил материалларини тадқиқ қилишга кириша олмайди. Чунки тил элементлари тарихий материал мисоллар ичида берилади.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлабоқ тилнинг барча сатҳ бирликларини системавийлик тамойиллари асосида қайта ўрганиб

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008. 3-бет

² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., “Ўзбекистон”, 1999, 5-бет

³ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент. 2011.

чиқиш ҳаракати бошланди. Ана шундай ҳаракат туфайли ўзбек тили синтаксисини системавий ўрганишга жиддий эътибор берилди. Ўзбек тили синтаксисининг системавий тадқиқи икки йўналишда олиб борилди: формал – семантик ва формал – функционал. Ҳар икки йўналиш тарафдорлари гапнинг конструктив марказий бирлиги сифатида кесимни эътироф этади. Гапнинг бошқа ёзувлари шу марказий бўлакнинг мазмуний ва грамматик валентликлари асосида белгиланади.

Шакл ва мазмун муносабатини тадқиқ этиш жараёнида шакл ва мазмун birlikлари ўртасидаги муносабиблик (симметрия) ва ассиметрия (номуносабиблик), мазмуний синкретизм, синтактик трансформация, лексик – семантик валентлик ва улар ўртасидаги муносабатлар атрофлича ёритиб берилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Мустақиллик даври ўзбек тилшунослигида бир қанча янги йўналишлар ва қарашлар юзага кела бошлади.

Бунинг сабаби, ўзбек тилига системавий – структур жиҳатдан ёндашиш бошланганидир. Натижада ўзбек тилининг синтаксис соҳасида бир чўққили назария, предикат ва унинг аргументлари, улар ўртасидаги ўзаро мувофиқлашув, валентлик, синтактик моделларни белгилаш каби йўналишлар ўз ечимини топа бошлади.

Ўзбек тилшунослари А.Ғ.Ғуломов, Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Бердиалиев, С.Маҳматқулов, М.Ирискулов, Ш.Раҳматуллаев, А.Аҳмедов, С.Солихўжаева, М.Ҳакимов, М.Қурбонова, Д.А.Абдуллаева, М.Миртожиев, С.М.Муҳаммедова, Р.Расулов, Н.Турниёзов ва бошқаларнинг илмий ишларида гапнинг конструктив марказий бирлиги сифатида кесимни

этироф этадилар. Гапнинг бошқа узвларини шу марказий бўлакнинг мазмуний ва грамматик валентликлари асосида белгилашга этибор қаратилади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.

Ушбу диссертациянинг асосий мақсади, бадиий матнда мувофиқлашув масалалари бўлиб, дастлаб лексемаларнинг мазмуний мослиги, предикатлик ва унга боғланувчи воситаларнинг семик мувофиқлашуви, аргументлар ўртасидаги мувофиқлашув, валентлик (ўрин валентлиги, пайт валентлиги, сабаб, ҳолат валентлиги) поэтиканинг синтактик хусусиятлари, шакл ва мазмун бирликлари ўртасидаги муносиблик, синтактик трансформация каби муносабатлар поэтикада ёритиб берилган.

Тадқиқотнинг объекти ва материали.

Ишда Иқбол Мирзо лирикасидан, ўзбек тилининг изоҳли луғати, ўзбек тилининг лингвистик – терминологик луғати материалларидан фойдаланилди.

Ишнинг илмий янгилиги

- Ўзбек тилидаги лексемаларнинг мазмуний мослиги ва уларнинг семик мувофиқлашуви;
- Поэтик нутқнинг синтактик хусусиятлари: (синтактик паралелизм, риторик сўроқ, эмоционал – экспресивлик, инверсия, градация, антитеза, оксимарон);
- Бадиий матнда мувофиқлашув. Предикат ва унинг аргументлари ҳақида;
- Лексик – семантик валентлик ва унинг турлари поэтикадаги ўрни;
- Ўрин лексик семантик валентлиги;

- Сабаб лексик – семантик валентлик;
- Восита валентлиги;
- Ҳолат лексик – семантик ва валентлиги;
- Предикатив синтагмада шакл семантикасининг поэтикадаги кўриниши;
- Предикат ва аргументлар ўртасида шахс – соннинг мувофиқлашуви;
- Предикатив синтагма аъзоси бўлган кесимнинг турли сўз туркумлари ифодаланиши;
- Бор, йўқ кесимлик сўзлари билан ифодаланган;
- От билан ифодаланган предикатив синтагмалар;
- Феъл билан ифодаланган предикатив синтагмалар ва уларнинг поэтикадаги кўриниши.

Диссертациянинг назарий аҳамияти.

Ушбу магистрлик иши ўзбек тилидаги лексемаларнинг семик мувофиқлашувини ўрганиш ҳамда тилнинг лексемаларнинг семик мувофиқлашувини ўрганиш ҳамда тилнинг экспрессив функциясини ёритиш, поэтик нутқда валентлик ва унинг турлари ҳамда шаклий нуқтаи назардан ўрганиш учун муҳим назарий аҳамиятга эга. Унда лексик – семантик валентлик ва унинг турлари кўриб чиқилди, предикатнинг ҳам шаклий, ҳам мазмуний томони чуқур таҳлил қилинди.

Магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти.

Ушбу магистрлик иши шакл ва мазмун ўртасидаги мутанисибликни ўрганиш ҳамда тилнинг системавий табиати билан боғлиқ семинарлар ташкил этишда манба сифатида ҳисса қўшади.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги.

Диссертациянинг асосий мазмуни муаллиф томонидан эълон қилинган иккита мақолада ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг тузилиши.

Магистрлик иши тадқиқот, кириш, иккита асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 80 саҳифани ташкил этади.

I БОБ. БАДИЙ МАТННИНГ СИНТАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида ривожлана бошлаганлиги, фан ва маданиятнинг миллат манфақати учун хизмат қилмайдиган мафкура гирдобидан ўтилганлиги, миллатга бўлган ҳурматнинг асл намунаси сифатида тилимизга давлат тили мақомининг берилганлиги ўзбек тилшунослиги ҳамда тилшунос олимлари олдида ғоят муҳим ва маъсулятли вазифаларни қўймода. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда “... фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакл-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий ққонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат... Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўлигини, бу бир табиий ққонуният эканини исботлаб тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим”⁴. Шу нутқаи назардан бугунги ўзбек тилшунослиги фани ҳал илиши лозим бўлган масалалар фақат халқ манфаати ва мустақил давлатнинг ҳар жиҳатдан ривожланиши учун хизмат қилишга қаратилмоғи зарур. Бу эса тадиқиқотчидан танланган муаммоларнинг долзарблиги ҳамда тадқиқ этиш усуллари нуқтаи назарига кўра дунё тилшунослиги андозалари даражасида ва миллий ўзига хос бўлишини талаб қилади.

Бадий нутқнинг таъсирчанлигини таъминлашда синтактик усулдан кенг фойдаланилади. Экспрессивликнинг намоён бўлиш шакллари теран тадқиқ қилган тилшунос Адҳам Абдуллаев “ синтактик градация, синтактик синонимия, боғловчиларнинг махсус

⁴ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Тошкент: Шарқ, 1998. 25-бет.

қўлланилиши, антитеза, монолог, сукут, инверсия, такрорий гаплар, риторик сўроқ ” каби услубий фигуралар “фикрнинг ўта таъсирчан ифодаланиши ” га хизмат қилишини таъкидлайди”.

“Бадий текстнинг лингвистик таҳлили”⁵ китоби муаллифлари синтактик фигураларнинг қуйидаги асосий кўринишлари мавжудлигини баён қилишади: “анафора, эпифора, такрор, антитеза, градация, эллипсис, аллитератсия, риторик сўроқ кабилар”. Бу услубий воситалар мавзуга алоқадор бўлган деярли барча адбиётларда учрайди.

Умумлаштирадиган бўлсак қуйидаги ҳолат юзага чиади:

1. Синтактик параллелизм.
2. Эмоционал гап.
3. Риторик сўроқ гап.
4. Инверсия.
5. Эллипсис.
6. Градация.
7. Антитеза.
8. Оксюморон⁶.

Синтактик параллелизм. Бадий матнда синтактик жиҳатдан бир хил шаклланган гаплар кўп қўлланилади. Тилшуносликда бундай қурилмалар параллелизм атамаси остида ўрганилади. Параллелизм (юнонча “параллелос” – ёнма-ён борувчи) ёнма-ён гаплар, синтагмаларнинг бир хил синтактик қурилишга эга бўлиши. Бундай гапларнинг бўлаклари ҳам, уларнинг формаси ҳам бир хил бўлади. Бу синтактик симметрия ҳосил қилиб, ифодалиликни кучайтиради.

Масалан,

⁵ Абдуллаев А.

⁶ Yuldashev M. Badiiy matn tahlili

Шамол ўтди, булут ўтди, ёмғир ўтди,
Қаҳрамоннинг қадамалри оғир ўтди.
Қоработир ўтди, Зухро, Тохир ўтди,
Сиздан теккан изтироблар ўтмади, ёр...

(Иқбол Мирзо)

Яъни “шамол ўтди”, “булут ўтди”, “ёмир ўтди”, “Қоработир ўтди”, “Тохир ўтди” гаплари бир хил бўлган икки ва ундан ортиқ гап кетма-кет келяпти ва синтактик параллелизмни ҳосил қияпти.

Параллел бирликларнинг асосий вазифаси фикрга изоҳ бериш ва энг муҳими, унга тингловчини тўла ишонтира олишдан иборат. Улар тил услубий воситаларининг бойиш манбаларидан бири бўлиб поэтик нутқда кўп қўлланиладиган, энг маҳсулдор ва таъсирчан синтактик бирлик ҳисобланади:

Шовуллаб турган дарё, довуллаб турган дарё,
Соҳиллар бузган дарё, оролар қурган дарё,
Азалдан абадгача қондек югурган дарё,
Дарё, менинг алашим кимники, билгим келар.

(Иқбол Мирзо)

Гоҳо гуллар сочди мэнга кўз-ишларим,
Гоҳо куллар сочди таниш-билишларим.
Бугун ёлғиз ўйланаман, ўртанаман.
Урмадими гўзалларнинг қарғишлари?

(Иқбол Мирзо)

*На шаҳду на шиддат, на журъат қолди,
На аҳду на рағбат, на суръат қолди.
Тушда кўрган каби шул суврат қолди,
Биздан суврат қолди холос, севгилим.*

(Иқбол Мирзо)

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, бунда параллел бирликлар икки ва ундан ортиқ бўлиб, фикрга изох бериш, тингловчини бўлган нарсага тўла ишонтириш олишдан иборат (шовуллаб турган дарё, довуллаб турган дарё, соҳиллар бузган дарё, ороллар урган дарё).

Бир хил шаклланган гаплар бадий нутқ таъсирчанлигини бойитиш билан бирга маънони кучайтиришга ва фикрнинг атрофлича ифодаланишига хизмат қилади.

Эмоционал гаплар. Сўзловчининг ўта хурсандлик ёки ўта хафалик ҳолатларини ёки қаҳрамоннинг ҳис-ҳаяжонини воқеа-ҳодисага эмоционал муносабатини ифодаловчи гаплар эмоционал гаплар ҳисобланади. Эмоционал гаплар таркибида махсус ижобий ва салбий бўёқдор сўзлар мавжуд бўлади:

*Тупроқдек ҳокисор, саҳий, танти зот,
Ушбу кун валийлар алқаб турибди.
Орият, ҳамият, лафз ва эътиқод
Сенинг тимсолингда яшаб турибди.*

(Иқбол Мирзо)

*Аёллар мунис ва мушфиқ янада,
Ненидир сарҳисоб қилар еркаклар.
Дунёдан узилган сирли хонада
Ғужало болалар тинглар ертаклар.*

(Иқбол Мирзо)

“Ҳокисор, саҳий, танти зот”, “мунис ва мушфиқ”, “ғужало болалар”_сўзлари орқали қаҳрамон руҳиятида кечаётган севинч, кўрув, ғазаб каби психологик жараёнларни ҳамда шоирнинг тасвир объектига нисбатан субъектга муносабатини кўришимиз мумкин.

Эмоционал гаплар таркибида ижобий ёки салбий бўёқдор сўз ва иборалар, ҳис-туйғу ифодаловчи ундовлар (о, во, шўрим, э аттанг, бай-бай каби), муносабат ифодаловчи ундалмалар қатнашади ва улар нутқнинг экспрессивлигини таъминлашга хизмат қилади.

Масалан,

*Кўзмунчогинг қўйма асти, дилдорим,
Ай, айланай, нозикниҳол қаддингдан.
Кузагимни хушбўй етган баҳорим,
Ай, айланай, атиргулим атрингдан.*

(Иқбол Мирзо)

Риторик сўроқ. Бундай гаплар ҳам бадий матннинг эмоционал - экспрессивлигини таъминловчи синтактик восита ҳисобланади. Тасдиқ ва инкор мазмунига эга бўлган, тингловчидан жавоб талаб қилмайдиган гаплар риторик сўроққ гап дейилади. Унда ифодаланган фикр соф сўроқ бўлмайди : субъект янги ҳабар олишни кўзда тутмайди, сўроқ

жавоб талаб қилмайди, балки сўроқ орқали ҳукм ифодаланади. Унинг синтактик қурилиши логик мазмунга мос келмайди.

Масалан,

*Атиргулни тебратмаса, ел бўптимми,
Хуш бўйларим таратмаса, гул бўптимми?
Бир дард билан оғримаса, ел бўптимми?
Бу дард биздан кўра қадиммасми, Салим?*

(Иқбол Мирзо)

Бу риторик сўроқлар тингловчига қандайдир таъсир кўрсатиб кучли эмотсия билан ифодаланаяпти.

Риторик сўроқ гаплар бадий ва публицистик услублар учун типик бўлиб, баъзан сўзлашув услубида ҳам учрайди. Бунда риторик сўроқлар фикрни таъсирчан ифодалайди. Кўпинча риторик сўроқ гаплар таркибида наҳотки, ахир сўзлари келади. Улар нутқа кўтаринки руҳ бағишлайди ва тасдиқнинг кучли эмоция билан таъкидланиши учун хизмат қилади. Бундай гап шакллари қаҳрамоннинг ҳайратланишини, қувончини, ажабланишини, шубҳа ва гумонсирашни, ғазаб ва нафратни ифодалашда жуда қўл келади.

Масалан,

*Кимни кутиб чатнаб кетар ҳарсангтош,
Момогулдураклар **наҳот** бесамар?
Қандай қудрат билан айланар қуёш?
Севги деганлари йўқ бўлса агар.*

(Иқбол Мирзо)

*Наҳот оташголар орзу қилганим?
Наҳот олов ичра оларман мангу?
Ажаб, ҳузур топди руҳ ила жоним:
Алҳамду... Алҳамду... Алҳамду...*

(Иқбол Мирзо)

Ушбу мисоллардаги риторик сўроқ гаплар таркибидаги келган **наҳотки** сўзи тасдиқнинг таъкидланиши учун хизмат қиляпти ва фикрни кучли эмоция билан ифодаляпти.

Айрим риторик сўроқ гаплар соф сўроқ гапларга ўхшаб кетади. Уларнинг риторик сўроқ эканлигини интонация, контекст орқали англаш мумкин бўлади. Бу кўпинча поэтикада учрайди:

*Шеър юпанч эдими, таскин едими,
Шеър афсун эдими, афсусмиди, ё?
Саккиз яшар дилга илҳом бердими,
Ачиндими худо, кулдими худо?*

(Иқбол Мирзо)

Инверсия деб гап бўлакларининг ўрин алмашилиши ёки гап бўлаклари жойлашиш тартибининг маълум бир мақсад билан ўзгариш ходисасига айтилади.

Инверсия оғзаки нутққа хос хусусиятдир. Шеъриятда эса ифодалилиқни, оҳангдорлик ва таъсирчанлиқни таъминловчи муҳим услубий восита сифатида кўп ишлятилади:

*Кўнглимни ўнганди маъсум, мерибон,
Мен унга саждалар қилгандим қадим.
Азизим... Азизам... Энг азиз инсон...
Фақат эслолмадим.... Еслай олмадим...*

(Иқбол Мирзо)

*Муҳаббат, бу – ялт этган нигоҳ
Ва ҳаловат абас, дегани.
Муҳаббат, бу – ўзингни севмоқ
Ва ўзгага ҳавас дегани.*

(Иқбол Мирзо)

Градация (кучайтириш). Нутқ парчаларидан бири иккинчисининг маъносини кучайтириб боришдан иборат услубий жараён. Бадиий адабиётда ҳолатларни, туйғу ва кечинмаларни қиёслашда, ҳис-ҳаяжонлар жунбушини тўлиқ ифодалашда градация усулидан фойдаланилади. Адабиётларда градация хусусиятларига кўра турлича тасниф қилинади:

- 1) моҳиятига кўра: а) кўтарилувчи грация (климакс); б) пасаяувчи градация (антиклимакс);
- 2) ифода усулига кўра: мантий, емотсионал ва мидорий градация;
- 3) ифода материалига кўра: лексик градация ва синтактик градация.

*Масалан,
Қайдан келаётир уюр-уюр зам,
Қайдан очаётир палахса хасрат?*

*Қайдан ёгаётир ширзоқдек алам,
Қайдан сизаётир лахта-лахта дард.*

(Иқбол Мирзо)

Келтирилган мисолдаги дастлаб шахсий кечинмалар босқичма-босқич кучайтириб тасвирланаяпти (**ғам, хасрат, алам, дард**). Яъни кучаювчи градацияга мисол бўла олади.

*Не сайёдсен, не жаллодсен, не золимсен,
Тизида нур ярқираган ҳилолимсан.
Умидимсан, орзуйимсан, хаёлимсан.
Ўйлаб, ўйга етолмасам нима қилай.*

(Иқбол Мирзо)

Бу парчадаги *умидимсан, орзуйимсан, хаёлимсан* босқичма-босқич тасвирланаяпти, умид борган сари хаёлга айланиб бораяпти. Бу эса пасаяувчи градацияга яққол мисол бўла олади.

Антитеза деб мантикий жиҳатдан қиёсланувчи фикр, тушунча, сезги ва тимсолларни қарама-қарши қўйиш, зидлаш ҳодисасига айтилади. Воқеа-ҳодисалар моҳиятидаги зиддиятни очиш учун, асосан, бадий нутқда зид маъноли қўшимчалар, зидловчи боғловчилар, сўз ва иборалардан фойдаланилади. “Зидланишда воқеа, ходиса, белгиларни ўзаро зид қўйиб, шулардан бирининг белгиси алоҳида таъкидланади. Зидлаш ҳодисаси ҳам икки компонентдан иборат бўлади ва кейинги компонентдан англашилган мазмун таъкидланади. Демак, зидлашда

икки ққисм мавжуд: зидловчи ққисм ва зидлаш асосида таъкидловчи ққисм”.

*Масалан,
Ажойиб қиз эканда,
Қараилари ғалати,
Кулиб туриб йиғлайди,
Йиғлаб туриб кулади.*

(Иқбол Мирзо)

*Ёки
Гоҳо ёмон қараб, гоҳ қарамасдан,
Гоҳо ёлгон кулиб, гоҳ кулиб ростдан,
Гоҳо эркаланмай, эркаламасдан,
Сиз кўнглим оғритиб чарчамадингиз.*

(Иқбол Мирзо)

*Бу мисолда антитезанинг ифода материали сифатида
йиғлайди – кулади, ёлгон – рост каби бирликлари келтирилган.*

*Масалан,
Дард бирарда саҳий, бахтга хасис мэнга!
Зардаларинг, аччиқларинг лазиз мэнга.*

(Иқбол Мирзо)

*Ёки
Тирикка меҳр йўқ, марҳумга қаҳр,
Нима топдинг, ака, тупроққа тушиб?*

*Узала тушганча бўзлайди қабр,
Муаммад Юсуф йўқ, Муаммад Юсуф*

(Иқбол Мирзо)

Антитеза ҳодисаси поетикада жуда кўп учрайди. Зидланишни юзага келтираётган бирликлар шеъриятда контрастликни янада бўрттириб ифодалашга хизмат қилади.

Оксюмарон ҳодисаси ҳам мантиқан бири иккинчисини инкор этадиган, бир-бирига мазмунан зид бўлган икки тушунчани ифодаловчи сўзлар ўзаро қўшиб қўлланилади. Оксюмарон грекча сўз бўлиб, “ўтқир, лекин бемаъни ” деган маънони билдиради. Улар айрим адабиётларда “оккозионал бирикмалар”, “ноодатий бирликлар” ёки “ғайриодатий бирикмалар” деб ҳам юритилади. Бундай бирикмалар индивидуаллиги, янгилиги, кўникилмаганлиги ва оҳорлилиги билан тасвир ифодалилигини таъминлайди⁷.

Масалан,

*Юрагим оқади Фаргона томон,
Эй, аччиги ширин, гумони аён,
Севгинга ишониб яшайман ҳамон,
Ўзимнинг ҳолимга кулгим келади.*

(Иқбол Мирзо)

Ёки

Ширин кулган шумасми?

⁷ Ҳожийев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент., 1985.

*Боглаб олган шумасми?
Соч силкитиб жонимга –
Тузоқ солган шумасми?*

(Иқбол Мирзо)

*Ёки
Айтгил, ҳамон борми ширин аразларинг?
Саломатли орзуларинг, ҳавасларинг.*

(Иқбол Мирзо)

Аччиги ширин, ширин кулган, ширин аразларинг каби бирикмалар оксюмаронга мисол бўла олади. Бундай ғайриодатий бирикмалар антитезанинг бир кўриниши сифатида талқин қилинади. Маълумки, исталган икки сўзни бириктириш билан оксюмарон юзага келавермайди. Бундай бирикмалар шоирнинг бадиий тафаккур маҳсули ҳисобланади.

*Шамолларга совурдим гул юзларни,
Лекин сизга бир ширин сўз топмадим.*

(Иқбол Мирзо)

*Чора истаб бечораман мен чорасиз,
Феълнинг сабаб иккимиз ҳам овворамиз.
Ичи қора қиз экансан, э қора қиз!
Сени қандай севишимни билсанг эди.*

(Иқбол Мирзо)

*Энди кун кўришим қийиндан-қийин,
Энди ҳаволар ҳам оғирдан-оғир.
Аччиқ-аччиқ йиғлаб, йўл юрган сайин
Узун-узун бўлиб судралар хотир.*

(Иқбол Мирзо)

1.1 ПРЕДИКАТ ВА УНИНГ АРГУМЕНТЛАРИ

Предикат ҳам семантик, ҳам мантикий, ҳам грамматик тушунчадир. Семантис тушунча сифатида предикат – ҳар қандай синтактик қурилманинг номинатив асоси. Грамматик тушунча сифатида предикат ўзи бошқариб келаётган синтактик элементларнинг марказидир.

Мантикий тушунча сифатида фикрнинг субъект белгисини билдирувчи қисми. Гапларнинг пропозитив структурасини предикат ва унинг аргументлари (семантик актантлари)дан ташкил топган предикат ифода сифатида моделлаштириш кўпроқ одат тусига кириб бормоқда⁸. Демак предикат ва унинг аргументлари (унга эргашиб келувчи синтактик элементлар) бирлиги предикат ифодани ташкил этади. Яъни ҳар қандай предикат ифодани шакллантиришда хизмат қиладиган марказий элемент предикатдир. Предикат ифодалар миқдори предикатга қараб белгиланади. Маълум синтактик бутунлик таркибида қанча предикат бўлса, у шунча предикат ифодадан иборат бўлади. Предикат ифода гап учун асос ролини ўйнаса ҳам, яъни ҳар қандай гап предикат ифодадан ташкил топса ҳам, аммо ҳар қандай предикат ифода гап бўлавермайди. Предикат ифода гап бўлиб шакллана олиши учун у гапнинг энг муҳим грамматик-семантик белгисига – предикатликка эга бўлиши керак. Предикат предикатлик билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар қандай предикатлик предикат асосида шаклланади. Предикатлик шакллари предикатга қўшилади. Шунинг учун ҳам предикатликни ўзида акс эттирган ҳар қандай предикатнинг ўзи энг кичик гап ҳисобланади.

⁸ Филичева Н.И. Синтаксические поля. – М., 1977, С.7.

Демак, предикат пропозитив структуранинг марказий элементиدير. Шундай бўлишига қарамасдан тишуноликда предикат мақоми вазифасида бир хиллик йўқ. Жуда кўп адабиётларда предикат феълга нисбат берилади. Унинг эквиваленти сифатида талқин қилинади. Масалан, Ю.С.Степанов фикрига кўра феъл бу предикатдир. Феъл луғатнинг мураккаб (комплекс) бирлиги бўлиб, биринчидан, айрим предикатни, иккинчидан, гап таркибида шу предикатга кирувчи отнинг айрим мазмуний белгиларини ифодалайди⁹.

В.Б.Касевич ва В.С.Храковскийлар ҳам предикатга худди шундай муносабатда бўладилар. Хусусан, улар предикат актантилари ҳақида фикр юритиб, улар асосан феъллар, феълли оборотлар орқали ифодаланишини айтадилар. Муаллифлар феълга қарам бўлган, унинг мажбурий валентлигини тўлдирувчи синтактик қурилманинг элементини синтактик актантилар ва уни феълнинг мазмуний валентлиги билан боғланган сирконстантларга қарама- қарши қўядилар. Айрим лингвистлар предикат термини остида фақат феълни эмас, балки кенг маънода отларни ҳам бирлаштирадилар. Предикатларни мустақил ва ёрдамчи предикатларга бўладилар. Биринчи типдаги предикатларга феъл, сифат, равиш, ҳолат билдирувчи сўзлар ва мавҳум отлар киритилади. Иккинчи типдаги предикатларга эса айрим кўмакчилар, боғловчилар, пропозиционал боғламалар, кваторлар, грамматик категориялар мансуб эканлигини кўрсатадилар¹⁰.

Ҳамма предикатларнинг умумийроқ оппозицияси статиклик – динамиклик фарқловчи белгисига кўра икки катта гуруга ажратилиши

⁹ Степанов Ю.С. Ўша асар 114-бет; Категории глагола и структура предложения, С.5

¹⁰ Вейнрейх У. О семантической структуре языка. – М., С.20.

жуда кўп адабиётларда тан олинади. Рус грамматикаларида юқоридаги оппозиция энг умумий фарқловчи белги сифатида қаралиб, предикатларнинг феъл ва феъл бўлмаган сўзлар орқали ифодаланишига асос бўлади. Кўриниб турибдики, предикатлар, пропозициянинг марказий элементи (предикат ва унинг аргументлари моделида бўлганда) ёки шу пропозициянинг ўзидир (нол валентлик предикат предикат моделида бўлганда). Предикатлар феъллар ва феъллар бўлмаган (кенг маънода отлар ёки белги билдирувчи сўзлар) сўз шакллари орқали ифодаланади. Шунинг учун ҳам у, аввало, феъл предикатлар ва от предикатларга бўлинади.

Юқорида айтилганидек, феъллар гапда доимо предикат бўлиб келади. Пропозициянинг бирламчи ифодаловчиси бўлган, грамматик тўла шаклланган феъл асосли гапларда феълдан ифодаланган синтаксема икки хил вазифани бажаради:

- 1) гап элеменларини ташкил этиш (боғлаш);
- 2) гапни гап қилиб шакллантириш.

Э.Бенвенист феълнинг гап таркибидаги биринчи вазифасини алоқа вазифаси, иккинчисини эса тасдиқ вазифаси деб атайди. Феълнинг гапда доимо предикат вазифасида келганлиги учун предикатларни белгилаш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Аммо от доимо предикат вазифасида келавермайди. Отлар икки хил вазифада – предикат ва предикат (аргумент) белгилар сифатида келиши мумкин. Шунинг учун ҳам қуйида кўпроқ от предикатларга еътибор қаратамиз.

В. В. Богданов предикат ва нопредикат белгилар ўртасидаги фарқ бутун тил системасига таъсир этишни ҳамда бу фарқ объектив борлиқ антологияси билан боғлиқ эканлиги, шунинг учун ҳам у фақат

лингвистик аҳамиятгина эмас, балки мантикий ва умумфалсафий аҳамият касб этишини баён қилади¹¹.

Вингейштейн Л. ҳам нарсанинг объектив мавжудлигини инкор етмайди. Аммо у фактни нарсадан устун қўяди. А.У. Уйеов фикрича эса, хусусият, муносабат ҳамда улар асосида шаклланадиган факт ҳам нарсага нисбатан иккиламчидир. Дарҳақиқат, факт – бу нарсанинг хусусият ҳамда муносабат нарсага нисбатан иккиламчилигидир, нарсанинг белгиларидир. Белги ҳақида гапириш учун, аввало, бу белгига эга бўлган нарса мавжуд бўлиши керак.

Реал борлиқ тафаккурда, демакки, мантикий категорияларда ва тилда ўз аксини топади. Вингейштейн Л. шу муносабат билан мантикий образлар ёки пропозициялар ҳақида фикр юритади. Гапни пропозитив (пропозиционал) белги деб ҳисоблайди. У кичик фактларни ифодаловчи гапларни “элементар гаплар” дейди. Унинг фикрича, элементар гаплар ўзаро пропозиционал боғламалар воситасида боғланиб молекуляр фактларни ифодаловчи комплекс гапларга айланиши мумкин.

А.И. Уеов концепциясида нарсага субъект; хусусият ва муносабатга эса предикат мувофиқ келади. В. В. Богданов А.И. Уеов концепциясига қўшилган ҳолда, ҳар қандай элементар отда икки хил от (имена); маълум бир отнинг хусусиятини ёки бошқа отлар ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи отлар ҳамда ўзаро боғланаётган отларнинг ўзи мавжудлигини таъкидлайди.

Улардан биринчиси предикат белгилари, иккинчиси нопредикат белгилар деб ҳисоблайди. Нопредикат белгилар предикат белгининг аргументлари ҳисобланади.

¹¹ Богданов В.В. Семантическое – синтаксическая организация предложения. – Изд. ЛГУ, С.

Ю.С.Степанов шунинг учун ҳам “предикатлар – бу алоҳида семантис моҳият бўлиб, унинг категориясига борлиқнинг объектив ходисаларининг умумлашмасини кўрсатади”, - дейди.

Тишунослар томонидан жуда кўп таъкидланганидек, лингвистикада шу ватқга қадар предикатларни фарқловчи маъно ққисмларининг ани мидорига асосланган кўпчилик томонидан еътироф етилган семантис таснифи мавжуд эмас¹².

Ўтган ўн йилликда худди шундай таснифни яратиш йўлида қадам қўйилади. Г.Б.Алисованинг кўрсатилган асари ҳам худди шундай уринишлардан биридир. Айниса кейинги йилларда предикат таснифига бағишланган бир қатор асарлар майдонга келди.

Предикатлар таснифи юзасидан қилинган дастлабки тадиқотлар орасида Л.В. Шчербанинг ишлари алоҳида ўринни эгаллайди. У рус тилидаги предикатларни учга : 1) ҳаракат; 2) ҳолат; 3) хусусият маъноли предикатларга ажратади.

Л.В.Шчербанинг предикатлар ҳақидаги ғояси рус тилшунослигида кенг ўрин олади. В. В. Виноградов томонидан янада ривожлантирилади. Б.А.Ильин унинг фикрларини инглиз тили материалларига тадбиқ этади.

Предикатлар таснифида кўпинча “ активлик” – “деминативлик ” белгисига ҳам эътибор беришди. Аммо бу белги тилшунослар ўртасида бир хил тушунилмайди. Хусусан, П. Валецио ушбу оппозицияси билан тенглаштиради.

12 Nurmonov A., Mahmudov N., Ahmedov A., Soliho'jayev S. O'zbek tilining mazmuniy sintaksisi. – T., 1992.

Ўзбек тилида ҳам “у ёзди”, “у ўқияпти” билан “ўт ёнди”, “қор ялтирайди” гапларидаги “ активлик” – “деминактивлик ” белгисига кўра оппозицияга киришади.

Гапнинг маъно типлари ҳам предикатга қараб белгиланади. Чунки гап объектив борлиқ ҳодисалари ўртасидаги категориал воқеаларни акс эттириб, унинг умумлашган маънолари (маъно типлари) энг аввало предикатнинг категориал - Грамматик характерида намоён бўлади.

Предикатлар таснифига таянган ҳолда гапнинг ҳам уйидаги асосий мазмуний – грамматик моделларини ва умумлашган маъноларини белгилаш мумкин.

Предикат отларнинг характерли хусусиятлари уларнинг семантик маънолари, от асосли гаплар таснифидаги роли ҳам тилшуносликда яхши ўрганилмаган.

Рус тилшунослигида Н.О.Артуюнова ва Е.Н. Ширяевлар рус тилидаги мавжудликни ифодаловчи гапларни тадқиқ қилиш жараёнида, бу гапларнинг структур маркази бўлган предикат отларни мазмуний гуруҳларга ажратади.

Ўзбек тилидаги от асосли гапларнинг ҳам махсус тадқиқот объекти бўлганича йўқ. Бундай гапларни чуқур ўрганиш ва бу гапларни семантик - грамматик маркази бўлган предикат - отларни таснифлаш ўзбек тилшунослигининг навбатдаги вазифасидир.

Биз ўзбек тилидаги предикат отларни қуйидаги маъно турларига ажратамиз:

- а) характерловчи предикат;
- б) таснифловчи предикат;
- с) муносабат билдирувчи предикат;

- d) замон маъносидаги предикат;
- e) ўрин маъносидаги предикат;
- f) миқдор билдирувчи предикат.

Характерловчи предикат. Бу предикат предметга хос доимий белгини кўрсатади: Аҳмад – ёлончи (аёлча, ботир, содда ва бошқалар).

Таснифловчи предикатлар. Бундай предикат вазифасида конкрет отлар келади. Конкрет отлар предикат позициясида қўлланилиб, бу предикатни маълум синфга мансублигини кўрсатади: Кит – сут емизувчи. Бу гул – атиргул ва бошқалар.

Муносабат предикатлар. Бундай предикатлар предикат ифодалаган объектнинг бошқа объектга муносабатини ифодалайди: Салим ака – Каримнинг отаси. У менинг укам.

Ўрин предикатлар. Предмет ва унинг жойлашган ўрни ўртасидаги муносабатни билдиради: Укам мактабда. Хаёлим сенда.

Замон предикатлар. Предмет ва унинг мавжудлик вақти ўртасидаги муносабатни кўрсатади. Мажлис бугун. Кино соат тўртда бошаланар.

Миқдор предикатлар. Предмет ва унинг миқдори ўртасидаги муносабатни кўрсатади: Фарзанддан бешта. Сув кўп ва бошқалар.

Предикатларнинг бундай мазмуний типлари от асосли гапларнинг мазмуний таснифи учун ҳам таянч ролини ўйнайди: мавжудлик билдирувчи (экзистенционал) гаплар; характерловчи гаплар; тенглаштирувчи гаплар ва бошқалар.

Феълнинг лексик маъноси маълум лексик-семантик типнинг вакили бўлиб, у ўзида маълум от категорияси билан бирлашишга хосланган категориал белгини ҳам акс эттиради. Шу билан бирга

феъллар ўз ичида маълум маъно асосида бирлашган мазмуний майдонларни ҳам акс эттиради. Шундай қилиб, феъл гапниг ҳам мазмуний, ҳам грамматик марказини ташкил қилади.

Шунинг учун ҳам у фақат лексик, морфологик жиҳатдангина эмас, синтактик нутқай назаридан ҳам еътибор марказида туради. С. Д. Каснелсоннинг таъкидлашича, мано планида феъл предикатлар оддий лексик маънога нисбатан кенгрокдир. Феъл предикатлар маълум лексик маънони ифодалаш билан бир қаторда, у ўзида бўлажак гап макетини ҳам акс эттиради. Феъл предикатлар маълум “бош ўрин” ларга эга бўлиш билан бирга, ўзи ҳам мазмуний жиҳатдан маълум мазмуний парадигмага мансуб бўлади¹³.

Пропозитив структурани асосий узвлари предикат ва унинг аргументлари саналади. Бу узвларнинг ҳар қайсиси ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Предикат семемасининг характерли хусусияти маълум микдордаги аргумент семалар билан боғланиш имкониятига эга бўлишидир. Бу имконият уларнинг семантик валентлиги ёки “ўринлари саналади. Предикатлар бундай хусусиятига кўра нол ўринни (валентли), бир ўринли (валентли), ва кўп ўринли (валентли) турларга бўлинади. Нол ўринли предикатлар табиатнинг фазовий ҳолатини тавсифлайди. Бир валентли предикатлар ҳаракат, ҳолат хусусиятларини ифодалаш мумкин. Лекин улар муносабатни ифодамай олмайди. Кўп валентли предикатлар эса юқоридаги предикатлардан фарқли равишда муносабатни ҳам ифодамай олади¹⁴.

¹³ 13 Nurmonov A., Mahmudov N., Ahmedov A., Soliho'jayev S. O'zbek tilining mazmuniy sintaksisi. – T., 1992.

¹⁴ Богданов В.В. Семантическо – синтаксическая организация предложения – Издью ЛГУ, С. 10

Аргументлар предикатларнинг бўш ўринларини тўлдириб келади. Предикат ва унинг аргументлари муносабати синтактик моделларни вужудга келтиради. Синтактик моделлар маълум синтактик маъно асосида маълум синтактик майдонни ҳосил қилади. Синтактик майдон термини остида объектив реал муносабатларни умумлашган тарзда акс эттирувчи синтактик маънолар яинлиги асосида синтактик моделларнинг гуруҳланишини тушунамиз¹⁵. Майдон ўзаро синтактик муносабатдаги тобе ққисмнинг ҳҳоким ққисмга нисбатан позициясига кўра белгиланади. Гапнинг мазмуний ва тузилиш маркази предикат бўлганлигидан майдон ҳам предикат ва унинг аргументлари асосида белгиланади.

¹⁵ Филичева Н.И. Синтаксические поля. – М., 1977, С. 7.

1.2 ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ МАЗМУНИЙ МОСЛИГИ.

ВАЛЕНТЛИК

Валентлик сўзнинг лексик маъносига таянган ҳолда мавжуддир¹⁶. Тўғрироғи, сўз лексик маъноси қандай ёки анаа мантикий узвга эга бўлса, шу узвга мутаносиб ҳолда валентликка эга бўлади. Немисларнинг таниқли тилшуноси Г.Хелбиг ҳам валентлик сўз семантикасига ва гап қолипига асосланишини ўзининг махсус мақоласида таҳлил қилиб берган. Яна аниқроқ шу фикрни таъкидлагандек: “ ҳар қандай ҳолатда ҳам валентлик асосида энг аввало гапнинг синтактик қолипи ётади ”, - деган¹⁷.

Валентлик барча мустақил маъноли сўзларда бор ва ҳатто, ёрдамчи маъноли сўзлар; модал, ундов сўзлар, шунингдек морфологик шаклларда ҳам бўлади¹⁸. Лекин бу валентликка эга бўлган бирликлар предикатлигидагина гап қолипини белгилаши мумкин. Бу ҳақида рус тилшуноси Л.И.Василов шундай фикрларни баён этади: “предикатлар мавҳум синтактик синтагманинг ўзаги ҳисобланиб, аргументлари уларнинг синтагматик семасини намоён етувчиларидир”¹⁹.

¹⁶ Qo'chqortoyev I.K. So'z valentligi haqida // O'zbek tili va adabiyoti, - 1973, 3-son; Rasulov R. O'zbek tilidagi holat fe'llari va ularning obligator valentliklari. – T., 1989, 16-bet.

¹⁷ Stepanova M.D., Helbig G. Wortanen und das problem der volenz in der deutshen Gegenwartssprache – Leipzig.

¹⁸ Stepanova M.D., Helbig G. Wortanen und das problem der volenz in der deutshen Gegenwartssprache – Leipzig.

¹⁹ Василов Л.М. Семантика русского языка. - М., 1981.

В.З. Панфилов таъбири бўйича эса “предикативлик борли ҳақидаги тугал фикрни билдирувчи гап мазмунига мансублиги билан характерланади”²⁰.

М. М. Миртожиев эса предикатлик ҳақида мулоҳаза юритар экан, унинг аргументлари гап бўлакларини ташкил қилишини ҳеч маҳал инкор қилиб бўлмайди. Шунинг билан бирга у ҳамма вақт ҳам гапни уюштирувчи бўлак бўла олмаслигини ҳисобдан чиқармаслик кераклигини ва нутқ талабига кўра турли бўлаклар вазифасини ўташини ҳамда гапда эга, тўлдирувчи, ҳол вазифаларини бажариши, ҳатто сода гап бўлиб келишини айтиб ўтади. Предикат, тўғрироғи, мантиқий предикат гапда уюштирувчи бўлак бўлиши учун грамматик кесим билан мутаносиб бўлиши зарур. Кесим энг кичик ҳажмли гапни ҳам таркиб топтиради ва шунингдек гапни уюштирувси марказий бўлаги ҳам бўлади²¹. У ўзича етарли фикр ифодалайди ва бутун бир гапни тузади. Шунинг учун ҳам А. А. Дмитриевский: “Кесим ҳокими мутлоқ, гап шоидир,” – деган еди. Бу, албатта, унинг валентлиги ва валентлигининг реаллашуви натижасида намоён бўлади.

Валентликка икки нутқай назардан ёндашилиб, икки турга бўлиб ўрганилади:

- 1) семантик валентлик;
- 2) синтактик валентлик.

Синтактик валентлик сўз семантикасининг мантиқий узвларига асосланади. ҳар қандай синтактик алоқа намоён бўлган валентликдир. Шундай экан, валентликни синтактик жиҳатдан ёндашиб таҳлил этиш мумкин. Таниқли франсуз тилшунос Л. Тенер валентликни дастлабки

²⁰ Панфилов В.З. Грамматика и логика. – М., 1963.

²¹ Арутюнова Н.Д. Отношения между членами ядерной структуры предложения. – М., 1972, С. 329.

тадқиқ етувчиси сифатида иш бошлар экан, уни шундай валентлик ҳолатида ўрганди. У гап марказида феъл-кесим ётади деб ҳисоблади ва бош бўлак сифатида, бу қараш бўйича, эса ўз ўрнини топмади.

Хуллас, ўзбек тилида валентликлар қуйидаги типларга бўлинади:

- 1) лексик-семантик валентлик;
- 2) шакл семантикаси валентлиги;
- 3) воситали семантик валентлик;
- 4) нутқий семантик валентлик.

Сўзнинг лексик-семантик валентлиги унинг бевосита лексик маъноси, яъни лексеманинг семасидан бошланади. Ҳақиқатдан ҳам валентлик учун сўзнинг муҳим томони лексик маъно ҳисобланади. Унинг шакли, семантикаси аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун ҳам сўзнинг лексик - семантик валентлиги ўрганилганда, унинг лексик-семантик хусусиятларини қараб кўриб чиқишга ҳаракат қилинади²². У сўзнинг бошқа сўзлар билан боғланишлари учун ниҳоятда муҳим имкониятларни беради. Яна ҳам аниқроғи, сўз лексик маъноси – семемаси асосида шу сўзнинг лексик- семантик валентлиги барпо бўлади. Яъни сўз валентлиги билан семемалар таҳлили ўртасида зич боғланиш мавжуд²³. Лексик-семантик валентликларнинг намоён бўлиши муайян семантик компонентларнинг бирикувига таянади²⁴. У шундайки, матнда сўз муайян семантик белги билан иккинчи бир семантик белги сўзни талаб қилади ва улар шу умумий семантик

²² Qo'chqortoyev I.K. O'zbektilida fe'l valentligi. – t., 1977, 13-bet.

²³ Stepanova M.D., Helbig G. Wortanen und das problem der volenz in der deutschen Gegenwartssprache – Leipzig – at page 140

²⁴ Stepanova M.D., Helbig G. Wortanen und das problem der volenz in der deutschen Gegenwartssprache – Leipzig – at page 152.

белгига эга бўлиб олади. Шу умумий семантик белги классема деб аталади²⁵. Шу классема асосида сўзнинг бир валентлиги намоён бўлган деб исобланади.

Сўз семемасининг муайян семасига асосланиб унинг валентлиги бўлар ва еш сўз семемаси семаси билан классема таркиб топар экан, классема номи билан валентлик номи айти бир атамага эга деб бўлмайди. Чунки классема сўз семемасининг борор семаси, яъни семема референтининг белгиси билан белгиланади. Валентликни эса ҳеч сўз, яъни аргумент референти белгилайди²⁶.

Хуллас М.Миртожиевнинг “Ўзбек тилидаги феъл валентликлари” китобида валентлик типларини қуйидагича изоҳлайди: “ Феъл лексемаси семемасининг айрим семаси билан ўзи бошқариб келган сўз семемасининг айрим семасига мос келиши, яъни классемани таркиб топтириши шу феълнинг лексик-семантик валентлиги билан намоён бўлишидир. Феъл шундай валентликка эгалиги ролда, унда агенс, объект, мазмун, адрэсат, ўрин, қурол, восита, ҳолат валентликларини намоён этади. Агенс актанти шахс ёки нарсаси; объект валентлиги актанти нарсаси, мазмун; мазмун валентлиги хабар; адрэсат валентлиги актанти шахс; ўрин валентлик актанти жой; қурол ва восита валентлиги актанти восита; ҳолат валентлиги актанти ҳолат семасига кўра ҳолатим сўз бўлган феъл билан классемани таркиб топтиради. Морфологик кўрсаткичлар агенс актантида бош келишик, объект актантида жўналиш келишик, ўрин актантида макон келишиклари ва баъзан тушум келишиги; қурол ва восита актанти ўрин келишигидир. Мазмун,

²⁵ Karimjonova V.A. O'zbek tilida o'rin kelishikli birikmalar semantikasi. Filol. Fan. Nom. ...diss. Avtoref. – T., 1994.

²⁶ Mirtojiev M., Nonegativ fe'llar haqida // O'zbektili va adabiyoti. – 2004, 4-son.

адресат, ўрин, қурол, восита валентликлари актантлари кўмакчилар билан ҳам шаклланганлиги кузатилади. Ҳолат актанти морфологик кўрсаткичга эга эмас. Синтактик жиҳатдан меъёрий гап тузилишларида агенс валентлиги актанти кўпинча эга, объект ва мазмун валентлиги актанти воситасиз тўлдирувчи, ўрин валентлиги актанти ўрин ҳоли, қурол, восита ва адресат валентликлари актанти воситали тўлдирувчи, ҳолат валентлиги актанти тарз ҳоли вазифаларида келган”.

А. Нурмонов, Н. Мамудов, А. Амедов, С. Солиўжайеваларнинг “Ўбек тилининг мазмуний синтаксиси асарида валентлик ва лексемаларнинг мазмуний мослиги хусусида қуйидагилар ёзилади ва изоҳланади.

“Предикатлар, одатда, ҳам парадигматик, ҳам синтагматик аъзоларни ўзида акс эттиради. Шу сабабли у гап ёки унинг айрим қисмларининг конструктив маркази сифатида майдонга чиқади. Аргументлар эса уларнинг фақат умумий синтагматик семантик семаларини реаллаштиради. Бу эса предикат мавҳум семантик-синтактик сема асоси, аргументлар уларнинг семантик валентликларини конкретлаштирувчи, реаллаштирувчи эканлигини кўрсатади²⁷. Демак валентликнинг ташувчиси бўлган предикат гап структурасини белгилайди. Ҳар қандай синтактик алоқа реаллашган валентлик сифатида қаралади. Кейинги йилларда валентлик назарияси ўзининг муаммолари ва терминалогияси билан алоҳида тилшунослик соҳаси сифатида ажрала бошлади.”

“Валентлик ” термини чет эл тилшунослигида бир вақтда майдонга келган. Бу термин 1948-йилда С.Д. Кацелсон томонидан

²⁷Василов Л.М. Семантика русского языка. - М., 1981.

“Грамматик категориялар ҳақида” асарида қўлланилади. Сўзнинг гапда маълум тарзда реаллашиши ва бошқа сўз билан маълум алоқага киришиш хусусияти унинг синтактик валентлиги ҳисобланади. Унинг таъкидлашича, валентлик – бу худди анкетадаги каби тўлдириладиган “бўш ўринлари” мавжуд бўлган маъно хусусиятидир. Бошқача айтганда, валентлик остида сўз маъносидан англашиладиган ёки яширин мавжуд бўлган “бўш ўрин” ва нутқи гапда айрим сўзлар билан тўлдириш заруриятига ишора тушунилади. Демак, валентлик – маълум сўзнинг бошқа сўзни ўзига бирлаштириш хусусиятидир.

Феъл валентлиги назарияси ҳар қандай гап асосида феъл ётади, деган концепсия натижасидир. Бунга кўра гап тузилишини предикат (кўп ҳолларда феълдан ифодаланган) белгилайди ва у ўзига мувофиқ категориал белгиларга ўрин очади. Гапнинг барча қисмлари феъл предикат муносабатига кўра унга боғлиқ (тобе) қисмларга (улар турли терминлар билан юритилади: актантлар, аргументлар, тўлдирувчилар, партнерлар, комплиментлар ва бошқалар) ва эркин қисмларга (улар ҳам турлича номланади: сиркостантлар, эркин кенгайтирувчилар, ҳоллар, адюйикларга) бўлинади.

Валентлик назарияси жаҳон тилшунослигида кенг ёйилишига қарамасдан, ҳали унинг бир атор чекланган томонлари бор еди. Хусусан, валентликни белгилашнинг аниқ ўлчови йўқ эди. Натижада бирикма таркибидаги тобе ққисмга валентлик асосида боғланганлиги чەгаралаш қийин бўлди. Кузатишлар натижасида маълум бўлдики, айрим сўзлар ўз қуршовида “ очик ўрин”га эга бўлсалар ҳам, аммо маълум шарт-шароитларда унинг тўлдирилиши талаб этилмайди. Шунинг учун ҳам маълум ўлчов асосида облигатор ва факултатив валентликларни чەгаралаш зарурияти туғилди. Натижада 60-йилларда

валентлик назарияси бўйича яна кенг мунозара бошланиб кетди. Мунозара, энг аввало, валентлик назариясидаги марказий масалага - валентлик муносабатининг сатҳлари ва сатҳлараро муносабатларга қаратилди.

Валентлик назариясининг мукаммаллашишида Г. Хелбиг катта рол ўйнади. У немис тили материаллари асосида феълнинг валентлик моделларини ишлаб чиқди ва “Немис тилидаги феъл валентликлари ва дистрибутсияси луғати”ни тузди. Бу моделлар дастлаб фақат бир сўз туркуми – феъл асосида белгиланган бўлса, 70-йилларда валентлик моделларини фақат феъл асосидагина эмас, балки бошқа сўзлар алоқасида ҳам белгилаш мумкинлиги маълум бўлди.

Дастлаб валентлик назариясида валентлик табиатини турлича ҳал қиладиган икки йўналиш – шаклий ва мазмуний йўналиш бир-биридан ажралди. Кейинги даврларда бу икки йўналиш орасида ўзаро яқинлашиш ва унинг лексик маъносининг валентликлари ўртасидаги муносабатнинг характери турлича баҳоланмоқда. Натижада валентликнинг кўп сатҳлилиги ҳақида тушунча майдонга келди. Хусусан, Г. Хелбиг мантикий-грамматик (логик) мазмуний ва синтактик валентликларига ажратади. Г.Хелбигнинг фикрига кўра, мантий валентлик – бу тушунчалар мазмуни ўртасидаги тилдан ташқаридаги муносабатлар; мазмуний валентлик мазмуний аъзоларнинг (семаларининг) боғланиш имконияти, синтактик валентлик маълум тур ва соннинг маълум бир тилда фарқ қиладиган очик позицияларнинг зарурий ва қўшимча тўлдирилишидир. Г. Хелбиг валентлик сатҳларининг мустақиллигини таъкидлайди. Мантикий-семантик валентлик синтактик валентликни фақат олдиндан белгилайди, аммо ҳеч ҳачон уни тамоман белгиламайди. С.Д.Кацнелсон мазмуний

валентлик бу шакли валентликка ажратади. Мазмуний валентлик ички - семантик планни акс эттиради ва типологик нутқай назардан предикат ва унинг аргументлари сифатида тавсифланадиган релятсион структурадир.

Шаклий валентлик мазмуний валентликнинг ифодаланиш шаклидир. Шаклий валентлик маълум сўз шакли билан боғланади ва маълум бир тилни синтактик морфологияси элементи билан шартланади. Семантик валентлик эса сўзнинг маъносига алоқадор бўлади ва табиийки, морфологияга ҳеч қандай тобелиги бўлмайди.

Ҳозирги кунда кўпроқ синтактик валентлик ва семантик валентлик ажралмоқда. Синтактик валентлик бу маълум мустақил сўзнинг бошқа мустақил сўз билан бирика олиш имкониятидир. У маълум алоқалар структур схемасида акс этади. Синтактик валентлик сўз маъноси билан боғланган, демак, у семантик валентлик билан чамбарчас боғлиқдир. Семантик валентлик лексемалари ўртасидаги турли синтагматик муносабатларини кўрсатади. Масалан, ўзбек тилида сайрамоқ лексемаси “қушларни овоз чиқариши” маъносини ифодалайди. Шунинг учун ҳам худди шу семаси билан фақат қушлар сўзи билангина боғлана олади. Аммо у иккинчи семани ҳам “тез ва кўп” гапириши семасини ҳам ифодалайди. Бу семаси билан “одам синфига кирувчи” лексемалар билан ҳам боғлана олади. Бу “сайрамоқ ” лексемасининг семантик валентликларидир. Англашиладики, синтактик ва семантик валентлик диалект бирлигини ҳосил қилади. Бу ўзаро бир-бирига ўтиши мумкин.

Сўзлар валентлиги ва бўш ўрин билан ички тузилишида синтатик муносабатларнинг “скелетини” ташкил этади. Унинг нутқда реаллашиши натижасида конфигуратсион “скелет” қўшилади.

Реалицион конфигурацион “скелет” қўшилиб ўз бирикмаси моделини ҳосил қилади. Сўз бирикмаси модели икки томонлама хусусиятига эга бўлиб бир томонидан синтактик шаклга ҳамда умуумлашган синтактик маънога эга. Сўз бирикмаси доирасида бош ва эргаш аъзо ёки аъзолар ажратилади. Бош аъзонинг морфологик шаклланиши бу бирикманинг ички тузилиши учун қимматга эга эмас. У бутун гап составига қўшилганда бошқа қисмга эргашин позициясида келиб бошқача қийматга эга бўлади. Аксинча, ёрдамчи аъзонинг бошқача морфологик шаклланиши бирикма ички тузилиши учун муҳимдир. У ҳам боша аъзога синтактик тобеликни , ҳам тобе қисмини бош қисмга нисбатан синтактик вазифасини белгилайди. Эргаш қисм бирикма структурасида маълум синтактик вазифада келган сўзнинг маълум грамматик шакл, яъни сўзнинг синтактик шакли сифатида иштирок этади. Гапнинг синтактик ва структур маркази предикат бўлганлиги туфайли, аввало предикат ҳақида тўхталишига тўғри келади.

II БОБ. БАДИЙ МАТНДА МУВОФИҚЛАШУВ

МАСАЛАРИ

Ҳар қандай лисоний белги шакл ва маъно бирлигидан иборат. Лекин анъанавий синтактик назарияларида асосан гапнинг шаклий тузилиши ўрганиб келинади. Фақат айрим ўринлардагина (гапнинг коммуникатив мақсадига кўра турларини белгилашда, иккинчи даражали бўлакларнинг ички таснифида масалан, ҳолнинг, ўрин, пайт, мақсад ва бошқа.) семантикага мурожаат қилинади.

Гапнинг маъно хусусияти ва унинг таркиби ҳам, гапнинг мазмуний типлари ҳам гапнинг шаклий ва мазмуний тузилишларининг ўзаро муносабатлари ҳам йин йилларгача маҳсул ўрганиш объекти бўлмай келди.

Н.Д.Артунованинг таъбири билан айтганда, 60- йилларнинг ўрталарига келиб, гап семантикасига қизиқишни уйғонишига лингвистик назария ривожига таъсир этган бир қатор омиллар лингвистиканинг гап мазмуни пропозитсийга алоҳида диққат қилувчи мантиқ билан муносабатининг янги поғонага кўтарилиши, тил ва нутқнинг маъно томонига умумий бурилиш нутқ фаолиятининг прагматик компонентига эътиборининг кучайиши гапга ўзининг маҳсул маъноси бўлган тил белгиси сифатида қарашнинг вужудга келиши ҳамда гапларнинг мазмуний эквивалентлиги тушунчасига таянадиган синтактик трансформатсия назариясининг вужудга келиши сингари омиллар туртки бўлади.

О.Есперсеннинг ҳам тилшуносликда шаклни мазмундан ажратишга ҳаракат қилган. Г.Сюит ва бошқа тилшуносларнинг танқид қилар экан, шакл ва мазмун ўзаро узвий боғлиқ эканлигини, лисоний

ҳодисанинг бу икки томонига эътибор бериш ҳар қандай тилшуносларнинг асосий вазифаси эканлигини уқтиради. Унинг фикрича ҳар бир тилшунос ҳодисани икки томонлама шаклдан мазмунга ёки маънодан шаклга қараб текшириши мумкин. Биринчиси семасологиянинг, иккинчиси ономосологиянинг ўрганиш объекти бўлади.

Ҳозирги кунда семантика деярли ҳамма тилшунослар томонидан эътироф этилсада, аммо синтактик семантика мақоми масаласида бир хиллик йўқ.

Н.Ю.Шведованинг фикрича, синтактик семантиканинг асосий вазифаси шаклий синтактик моделларнинг хусусий маъноларини англашдан иборат бўлиши керак. Бунга кўра гап тузилиши схемасининг умумлаштирилган маъноси ва улар ўртасидаги муносабат гап синтактик тузилишининг асоси бўлиб хизмат қилади. Н.Ю.Шведованинг концепсиясига мувофиқ гапнинг мазмуний тузилиши деганда типиклаштириш маъно элементларининг мавҳумлашган ҳолда тил системасида акс этган мазмуни тушунилади. У гап мазмунининг экстралингвистик омилларсиз соф тил материалларига таянган ҳолда ўрганишга ҳаракат қилади. Гапнинг ҳар қандай сатҳ бирликлари, жумладан, гапнинг тузилиш схемалари ҳам ундаги категория ва конкрет маънолар муносабатларидан ҳосил бўлган мазмуний ўзига хосликка эга бўлади.

Иккинчи йўналиш тарафдорлари асосан, гапнинг номинатив минимуми узвларининг лексик маъноларига асосланадилар. Бунга мувофиқ, гапнинг мазмуний тузилиши тузилиш схемалар чэгарасида эмас, балки ташқарида ажратилади. Тузилиш схема ва мазмуний

тузилишлар бир-бирини кесишмайдиган параллел қаторларга терилади. Бундай қараш О. И. Москальская ишларида намоён бўлади.

Синтактик семантика бўйича Е.П.Падучеванинг ҳам изланишлари ўзига хосдир. Унинг фикрича, гап маъноси лексема маъноларидан, сўз шакллариининг грамматик шаклларида ва синтактик қурилмаларнинг маъноларидан ташкил топади. Шунинг учун ҳам лексик, морфологик семантика бир бутун гап семантикасининг компоненти бўлиши керак. В.Г.Гак гапни тўлиқ тил белгиси ҳисоблаб, гап референти вазиятдир, яъни “гапириш” моментида объектив борликдаги сўзловчи онгида мавжуд бўлган ва гапнинг ўзини шакллантириш жараёнида тил элементларини танлашга маълум даражада шароит яратувчи элементлар йиғиндисидир, дейди.

Вазият ва уни ифодаловчи гап ўртасидаги муносабат икки йўналишда – ифода планидан маъно планига қараб ва, аксинча ўрганилади. Биринчи нутқий фаолиятнинг тушуниш актини, иккинчиси эса ифодалаш актини намоён қилади. Бунга мувофиқ, синтактик семантикада ҳам ўзаро боғланган ва айна йўналишга кўра бир-бирига зид бўлган икки аспект: семасиология ва ономосология ажратилади. Биринчиси маълум синтактик бирлик нимани акс эттиришини, иккинчиси маълум вазият қандай ифодаланганини ўрганади.

Биринчи йўналиш гап маъносини объектив борлик билан боғланганлиги учун, вазиятни аниқлашга ва таҳлил қилишга алоҳида аҳамият беради. Уни гапнинг денотатив ёки номинатив аспекти ҳам дейилади.

Гапнинг денотатив аспекти ифодалаш учун кўп ҳолларда “пропозиция” терминидан фойдаланилади. Бу термин тилшуносликка мантиқ ва фалсафий тадқиқотлар таъсирида кириб келган. У Куайн

логис қурилишда пропозиция тушунчасининг роли ҳақида тўхталиб, маълум гап ва унинг бошқа тилга қилинган таржимаси ўртасидаги ёки бир тил ичида турлича ифодаланишлар ўртасидаги умумийликни акс эттиришни кўрсатади. Пропозицияга қизиқишнинг ўсиши билан унинг талқинида ҳам хилма-хиллик орта боради.

Классик мантиқ пропозиция ёки мантикий ҳукм дейилганда борлиқнинг маълум предикатлари ҳақида тасдиқ ёки инкор йўли билан ахборот берувчи фикр шакли тушунилади. “Пропозиция” термини тилшунослар томонидан дастлаб худди шу маънода ҳукмнинг ифодаланиш шакли бўлган дарак гапларга, кейинчалик гапнинг ҳамма турларига нисбатан қўлланилади. Гап термини ҳам латинча “ҳукм” терминидан калка йўли билан рус тилидаги “предложение” орқали ҳосил бўлган.

Рамзий мантиқ классик мантиқдан фарқли равишда ўзининг тушунчалари, инсон онгида акс этишини четлаб ўтган ҳолда бевосита борлиқ категориялари билан муносабатини белгилашга интилади. Пропозиция тушунчасининг бу умумий тенденцияси натижасида кейинчалик у тафаккурдан объектив реалликка, субъектив омилдан объектив омилга “бурилади”. Натижада у тафаккур шаклига эмас, балки унинг мазмунига, у орали ифодаланадиган объектив реалликка нисбатан қўлланила бошлади. Субъектив модаллик категориясидан озод бўлиб, вазиятни ифодалашга ўтди. Пропозиция худди шу маъноси билан тилшуносликка кириб келди.

Ҳозирги кунда кўпчилик тилшунослар пропозиция термини остида гапнинг семантикасида ўз ифодасини топган объектив мазмунни тушунадилар. О. И. Москальская гапнинг бу денотатив томонини гапнинг мазмуний маркази деб ҳисоблайди. Пропозиция фақат гаплар

орқали ифодаланиши шарт эмас. У сўз бирикмалари ва сўзлар орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, Карим келди – Каримнинг келиши. Демак, маълум бир синтактик структура гап бўлиши учун маълум пропозицияни ифодалашдан ташқари, яъни бошқа белгиларга – коммуникатив мустақиллик ва модаллик эга бўлиши керак бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай гап от позициясига транспозиция қилинганда унинг коммуникатив бўлиши ва идеал хусусияти йўқолади, аммо номинативе мазмуни эскича сақланиб қолади. Яна солиштиринг:

Бола ўйинчоқ ўйнаётти – боланинг ўйинчоқ ўйнаши;

Унинг бориши қийин – унинг боришини қийинлиги каби.

Юқоридаги солиштираётган конструкциянинг мазмуний яқинлаштирилишига улардаги марказий элементларнинг умумийлиги асос бўлади. Транспозиция жараёнида коммуникатив бирликлар сифатидаги гапнинг марказий элементи – кесими номинатив бирликларнинг марказига айланади. Пропозитив номинатсия моҳияти учун гапнинг коммуникатив таркиби ҳам эътибордан ташқарида бўлмайди. Гапнинг коммуникатив тузилиши унинг номинативе тузилишига ҳам таъсир қилади. Шундай таъсир қиладики, гапнинг коммуникатив маркази, бир вақтнинг ўзида, номинативе асос вазифасини ўтайди.

Ҳар қандай гап семантикасида пропозитив мазмундан ташқари, сўзлашувчининг коммуникатив нияти ва мумкин бўлган модалликдан бири иштирок этиши керак бўлади. Бошқача айтганда, пропозициядан реал гап мазмунига ўтиш учун пропозитив рамкадан ташқари, яна икки рамкани – модаллик ва коммуникативликни қўшиш зарур бўлади.

Кейинги ҳар икки рамка ҳар қандай гап мазмуний тузилишининг зарурий узви ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳар қандай гапнинг тузилиши мураккаб, кўп қиррали характерга эга бўлиб, унда энг камида уч узв: 1)пропозитив; 2) модал; 3) коммуникатив узвлар иштирок этади. Гапнинг мазмуний тузилишини ташкил этган юқоридаги узвлардан энг асосийси объектив борлиқдаги айрим вазият ёки воқеаларни акс эттирувчи пропозитив тузилишдир²⁸.

28 Nurmonov A., Mahmudov N., Ahmedov A., Soliho'jayev S. O'zbek tilining mazmuniy sintaksisi. – T., 1992.

2.1. ПРЕДИКАТ ВА УНГА БОҒЛАНУВЧИ ВОСИТАЛАРНИНГ СЕМИК МУВОФИҚЛАШУВИ

Ўрин валентлиги феълнинг лексик-семантик валентликларидан биридир²⁹. Ўрин феъл валентлиги бўлганидан кейин, унинг актанти феъл орали бошқарилади. Шундай бўлгач ҳоким бўлак бўлган феъл билан ўрин валентлиги актанти семантис жиҳатдан мослиги ва классема таркиб топтирганлиги кузатилади. Масалан, Ибол Мирзонинг куйидаги сатрлари бунга мисол бўла олади:

Бунда тадбир қилар, яратган – тақдир,

Қисмат қуюнида чирпираб учдим.

Сайёҳнинг сўзидан кулгандим, охир –

Шеъримга эргашиб пойтахтга кўчдим.

(Иқбол Мирзо)

Ёки

Юлдузни етаклаб шошга кеч кирса,

Фаронажонимга оқади дилим.

(Иқбол Мирзо)

Юқоридаги пойтахтга кўчдим, шошга кеч кирса, Фаронажонимга оқади бирикувларида пойтахт, шош, Фаргона от жойи ҳудуд семаларидан иборат. Семаси билан йўналма ҳаракат

²⁹ Muhamedova S. H. O'zbek tilida harakat fe'lining predikativligi va avlentligi. Filol. Fa. Nom. ..diss. avtoref. – T., 1999, 18-bet.

“бормоқ”, “қоронғу тушмоқ” “жой бориб етмоқ” семаларига эга кўчмоқ, кеч кирмоқ, оқмоқ феълига бириккан. Бирикма таркибидаги ҳар икки сўз семаси таркибида “жой” семаси бўлиб у классемани таркиб топтирган. Яъни юқоридаги феъллар ўз лексик-семантик валентлигига кўра актантини нутқда намоён этган. Бу унинг ўрин валентлигидир. Ҳамда объектли бирикма бўлиб тобе бўлган йўналиш келишигидаги от. У худди адрэсант актанти билан намоён бўлган феълга ҳам ўхшайди. Лекин улар семантис жиҳати билан ўзаро фарқ қилади. Феълнинг адрэсант актанти қандайдир ўрнини билдиради. С. . Муамедова “бу ерда уларни фарқловчи белги қандай бирикма таркибида бўлиши ҳам, актантларнинг морфологик шакли ҳам эмас, сўз негизининг семантикаси бўлади. Бунинг устига улар синтактик томондан ҳам фарқ қилади: адрэсант актант воситали тўлдирувчи вазифасини ўтагани ҳолда ўрин актанти ўрин ҳоли вазифасини ўтайди. Бунинг устига ўрин актанти ўрин ва чиқиш келишиги шакллари билан ҳам турланган бўлиши мумкин. Лекин адрэсант актант бу келишиклар билан ўлчанмайди. Ўрин актантининг ўзи бу келишикларини ҳар бири билан қўлланганида ўзига хос семантис план намоён бўлади. Ёнланма ҳаракат феъли ўрин валентлигини реализаторида ўрин келишигига эга бўлганда бевосита тўғридан-тўғри ёнланма ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини англатади³⁰”, - дейди.

Жўналиш ва чиқиш келишиклари ўрни актантининг ҳаракат бошланиши ёки тугаш нутқаларини кўрсатиш учун аҳамият касб этади. Албатта, уларнинг адрэсант актанти билан алоқаси йўқ.

³⁰ Muhamedova S. H. O'zbek tilida harakat fe'lining predikativligi va avlentligi. Filol. Fa. Nom. ..diss. avtoref. – T., 1999, 18-bet.

*Ризвонларга кетайлик,
Осмонларга кетайлик.
Осмонларга сизмасак,
Қўқонларга кетайлик.*

(Иқбол Мирзо)

*Бу ердан оҳ уриб ўтган Гўрўгли,
Бу ердан от суриб ўтгандир Номоз.
Бу ерга қисматнинг учта зўр ўгли
Пиёз жаяпмиз,
Пиёз.....*

(Иқбол Мирзо)

Ўрин валентлиги актанти нафақат синтетик, балки аналитик шаклдаги нутқ бирикмаларида ҳам ўз ифодасини топади. Бундай ҳолатларда кўмакчи элементлар ўз маъноси билан от ва феъл семаларини баҳолаш ва семантис синтагмани тузишга киришади³¹. Бунда қараб, томон, қарши, асосан, каби кўмакчилар фаол қўлланади.

Бу кўмакчилар олдида ўрин актанти деярли йўналиш келишиги шакли билан шаклланган бўлади:

*Юрагим оқади Фарона томон,
Ей аччиги ширин, гумони аён...*

(Иқбол Мирзо)

³¹ Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность. – С. 48.

Яна олдида, орқасида, бўйида, ўртасида, ёнида, каби вазифасида қўлланувчи отлар борки, улар феъллар ўрин актанти билан намоён бўлганда ўрин актанти билан бевосита грамматик вазифа бажаради. Феъл кўмакчи воситасида ўрин валентлигини намоён этиб объектли бирикма олида тузилган бўлса, ўрин актанти қанча, қани ифода берган бўлади.

Масалан,

*Ҳоки пойингизни кўзимга сурай,
Ўзим ярим кўнглингизни тўлдирай.
Бир чеккага суриб қўйиб дунёни,
Ўғил бўлиб, ёнингизда ўлтирай.*

(Иқбол Мирзо)

Юқоридаги ёнингизда ўлтирай бирикмасидаги “жой семаси ифодаланган бўлиб, ўрин актанти қанча қани ифодаланган ва ўрин валентлигини ҳосил қилган.

Ўрин валентлиги актанти агенсининг ҳаракати сатҳи билан бевосита боғлиқ бўлади. Агенс маълум ҳолатда бўлса ўрин актанти ҳам маълум нуқтқани; у маълум ҳаракатда бўлса, ўрин актанти шунга яраша ҳудудни ифода этади. Агенс эса феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатда бўлади.

Демак, асосан ҳолат ўзалма ҳаракат феълларида ўрин валентлиги бўлиб у ҳамма вақт лексик-семантикдир. Феъл ўз ўрни актанти билан “жой” семасига кўра классемани таркиб топтиради. Унинг морфологик кўсаткичи макон келишиклари ва баъзан тушум келишиги ҳамдир

(боғларни кезди). Баъзан кўмакчилар ҳам уларни шакиллантиради. Улар актанти объектли бирикма таркибида ўрни ҳоли вазифасида келади.

Сабаб валентлиги феълнинг лексик-семантик валентликларидан бирида. Феълнинг сабаб валентлиги актанти феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг нима учун амалга оширилишини билдиради.

Масалан,

Гунокормиз, кўнгил бердик, энди тан олмоғимиз бор....

(Ибол Мирзо)

Бунда сабаб, сабаб феъли орқали ифодаланаяпти, яъни гунокорлик сабаби бу кўнгил бергани, кўнгил қўйганидир деб таъкидланмоқда. Сабаб валентлиги сабаб феълларда феъллардан англашилган ҳаракат ёки ҳолатни ҳамма актанти ифодалайди: гуноҳкор – сабаб валентлик (феъл), кўнгил бермоқ – сабаб актанти.

Р. Расулов сабаб валентлиги актанти намоён бўлган феълли бирикмаларни каузал маъноси билан қўлланган феълнинг каузал муносабатига қориштирмаслик кераклигини айтади: чунончи феълларнинг сабаб валентлигига кўра актантининг намоён бўлиши семантис ҳодиса бўлиб, каузатив феълнинг каузалланма феъл билан нутқда берилиши синтактик ҳодисадир.

Хазон лашкари келган –

Япроқлар тўкилади

Ёноқлару бармоқлар,

Дудоқлар тўкилади.

(Иқбол Мирзо)

Бу мисолда сабаб валентлиги шеърий парча мазмунида ифодаланган бўлиб, нутқ талаби билан намоён бўляпти яъни “ҳазон лашкари келганлиги учун (куз), япроқлар тўкилади” маъноси контекстдан англашиляпти.

Сабаб валентлиги семантис ҳодиса бўлиб, фақат нутқ талаби билан унинг актанти намоён бўлади. Сабаб валентлиги феълларнинг агенси, шахс ифода этгани ҳолда кузатув феълларнинг казуалланмалари шахс сабаб валенти актантлари қандайдир кечим ифода этади. Казуатив феълларда феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат потсиенс амалга оширади. Унинг амалга оширилиши учун сабабчи ҳисобланган агенс ҳаракат ёки ҳолатни юзага келтирувчи сабабни имкон бериш, ундаш, мажбурлаш билан адо этади. Яъни ҳаракат ёки ҳолатни бажариш потсенсиясида сабаб агенси бўлади. Бунинг устига кузатив феъллардаги сабаб мантиқан сабаб бўлиб, сабаб феъллардаги актант билдирган сабаб соф семантикдир.

Қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

Яшашдан чарчадим, зерикиб кетдим,

Менинг тор кўнглимга сизмас байрамлар.

Дилимга илоннинг тиллари етди –

Пўст ташлаб турланиб юрган найранглар.

(Ибол Мирзо)

Яшашдан чарчадим, зерикиб кетдим гапларининг феъл-кесими кузатив бўлиб, сабаб валентликдир. Сабаб агенси яширинган. Кузатив феълнинг потсенс актанти яшашдан сўзида сабаб валентли феълнинг сабаб актанти сўзида ифодаланган ва соф сабаб семантикдир.

Феълларнинг сабаб валентлиги актанти от, сифат, олмош, феъл, равиш туркумидаги сўзларда ифода топади. От туркумида ифода топган сабаб актанти асосан макон келишиклари билан айникса, чиқиш келишиги билан шаклланган бўлади.

Масалан,

*Бошим букиб қўйиб ўлим-азаси,
Тўйга борган ўйинчидек шод ҳижрон
Ёрсиз мазмунсизман ёрсиз мазаси...
Балки мэнга бегона ва ёт ҳижрон.*

(И.Мирзо)

*Сайёҳнинг сўзидан кулгандим, охир –
Шеъримга эргашиб пойтахтга кўчдим...*

(Ибол Мирзо)

*Чора истаб бечораман мен чорасиз,
Феълнинг сабаб иккимиз ҳам овворамиз.
Ичи қора қиз экансан, э қора қиз!
Сени қандай севишимни билсанг эди!*

(Ибол Мирзо)

Ушбу парчада келтирилган ёрсиз мазмунсизман бирикмасидаги сабаб актанти – ёрсизлик бўлиб, сабаб валентлик ифодаланяпти.

Шунингдек, у сабабли, туфайли, учун, биноан, билан , таъсирида, орасида олдида кўмакчилари воситасида қўлланиши ҳам кузатилади. Сифат ва равиш туркумига оид сўзлар –лик аффикси воситасида

отлашиб, эгалик ва макон келишигини олиб сабаб актанти сифатида қўлланилади. Олмош, отлашган сифатдош, ҳаракат номи кабилар ҳам макон келишиги ёки қўмакчилар воситасида сабаб актанти бўлиб келади. Сабаб актант бўлиб, равишдошлар тўғридан-тўғри намоён бўлаверади³².

Сабаб валентлигига барча семантис майдонга оид феъллар эга бўлиши мумкин. Феълнинг сабаб валентлиги актанти гапда сабаб ҳоли вазифасини ўтайди.

Демак, барча семантис майдонга оид феъллар сабаб валентлиги эга бўлиши мумкинлиги ҳолда, у лексик-семантик валентликдир. Феъл сабаб валентлиги актанти билан бирор сабабни билдирувчи сема билан классемани таркиб топтиради. Унинг актанти бўлиб, от ёки отлашган сўзлар келаверади ва морфологик шакли макон келишикларидан бири ёки сабабли, туфайли, учун, биноан, билан, таъсирида, орасида, олдида қўмакчиларидан бири бўлади³³.

Восита валентлиги феълнинг лексик-семантик валентликларидан биридир. Бу валентликнинг ҳам намоён бўлган актанти турган гапки феъл томонидан бошқарилади. Шундай бўлгач, ҳоким бўлак бўлган феъл восита валенти семантис жиҳатдан мослашади ва классемани таркиб топтиради.

Масалан,

Энгим билан артдим ёстигимни,

Кўз олдимдан таради туман.

Энди юртим гулу тожини,

³² Mirtojiev M. O'zbek tilida fe'l valentligi. – T., 2007.

³³ Mirtojiev M. O'zbek tilida fe'l valentligi. – T., 2007, 30-bet.

Ақл кўзи билан кўраман.

(И.Мирзо)

Юқоридаги энгим билан артдим бирикмаси артмоқ феълининг восита валентлиги_нутқда намоён бўлган ҳолатдир. Унда артмоқ феъли “тозалаш” семасидан иборат семемасига энг оти “кийим”, “материал”, “мато” семемаси билан коммуникатсияга киришган. Артмоқ феъли восита лексик-семантик валентлигига кўра “материал”, “мато эканлиги”, “буюм эканлиги” семаси асосида классемаси билан синтагмани таркиб топтирган. “Кўз билан кўрмоқ” бирикмаси ҳам восита валентлигидир яъни, кўз – восита валенти актанти, кўрмоқ – феъл валентлиги бўлиб, лексик-семантик валентлигига кўра “томоша қиладиган”, “қараш” семаси асосида классемаси билан синтагмани таркиб топтирган.

Ушбу бирикмаларнинг таркиб топишида грамматик вазифани билан кўмакчи ўтаган. Яъни билан кўмакчиси феълга унинг намоён бўлган восита актантини боғлаб келувчи грамматик кўрсаткичдир. Бу кўмакчи ўрнида –да келишик қўшимчасини ҳам қўллаш мумкин. Бу билан восита валентлиги намоён бўлган бошарувдаги бирикмада семантис ўзгариш кузатилмайди, балки услубий фарқ бўлади (энгни артмоқ, кўзда тутмоқ).

Мазкур бирикмадаги билан кўмакчисининг ўрнига тушум келишигининг –ни шаклини қўйиш ҳам мумкин, лекин бунда восита валентлиги намоён бўлган феъл бошқарувдаги бирикмада семантис ўзгариш қайд этилади. Унда восита актанти бўлган энг, кўз отида объект ифода топар еди: энгни артмоқ, кўзни кўрмоқ. Яъни артмоқ, кўрмоқ феълидан англашилган ҳаракат энгга, кўзга ўтади.

Феълнинг восита валентлиги актанти асосан от туркумига оид сўзларда ифода топади. Баъзан кўрсатиш олмоши ва отлашган сўзларда кузатилиши ҳам мумкин. Ҳар қандай ҳолда ҳам бу актантнинг билан кўмакчиси ёки –да ўрин келишиги билан шаклланганлиги кузатилади.

Нетай, пешонамда шу дард бор бўлса!

Қанийди бу дардга харидор бўлса....

Сени танлармидим, ихтиёр бўлса!

Ҳаёлим ёмон бўлди сени согиниб.

(Ибол Мирзо)

Восита валентлиги ўтимли феълларда ҳам, ўтимсиз феълларда ҳам кузатилади. Ўтимсиз феълларда восита валентлиги бўлар экан, феъллардан англашилган ҳаракатни ёки ҳолатни агенс ҳеч қандай объектга кўчмай тўғридан-тўғри бажаради, бирор восита актанти ифода этган нарса унга восита бўлади³⁴.

Шу ойнинг нурида шеър битган бобом,

Шу куннинг қўрида эр етган бобом,

Кўкларга термулиб, ер кетган бобом,

Менга шу кўк азиз, шу тупроқ азиз.

(Ибол Мирзо)

Менга қолса барини

Бирма-бир босар эдим.

³⁴ Mirtojiev M. O'zbek tilida fe'l valentliklari. – T., 2007, 32-bet.

Каттароқ бир асбобга

Тилидан осар эдим.

(Ибол Мирзо)

Демак, восита валентлиги ўтимли ҳамда ўтимсиз феълларда ҳам кузатилиб, у ҳамма вақт лексик-семантик шаклда бўлади. Феъл восита валентлиги актанти билан “восита” семасига кўра классемани ҳосил қилади. Унинг морфологик кўрсаткичи билан “билан” кўмакчиси ёки ўрин келишигига (-да) бўлади. Улар гап таркибида воситали тўлдирувчи вазифасида келади.

Р.Расулов ҳолат валентлиги феълнинг лексик-семантик валентликлари қаторида санаб ўтади. Феълнинг ҳолат валентлиги нутқда намоён бўлар экан, унинг актанти феъл билан ҳамма вақт бир хил семали семемага, яъни классемага эга бўлади.

Масалан,

Ортиқча ҳарорат гулни сўлдирар,

Ортиқча сув бузар, қирғоқни.

Эл севгиси аста-секин ўлдирар,

Шавкат Рамон, Муаммад Юсуф, Охун.

(Иқбол Мирзо)

“Аста-секин ўлдирар” бирикмасидаги ўлдирмо феъли “йўқ қилмоқ”, “ўзни йўқотмоқ”, “вафот етмоқ” эга семема, аста-секин равиши “ҳолат”, “давомлили”, “секин” семемаларига эга семема билан қотишган. Бирикма классемаси “ҳаракат” семемасидан иборатдир. Бу феъл лексикасининг ўз актантини лексик-семантик валентлигига кўра намоён этганлигини кўрсатади.

Феълнинг ҳолат валентлиги актанти ифодаси агенснинг феълда қайд етилган ҳолат ёки ҳолат билан боғлиқ ҳолатда намоён бўлади, ёки у агенс ҳаракат ёки ҳолатни турли томондан анилаштириш вазифасини ўтайди. Агенс феълидан англашилган ҳаракат ёки ҳолат бажарилганлигини ҳолат валентлиги актанти ифода этади. Бунини юқоридаги аста-секин ўлдирмоқ бирикмасида кўришимиз мумкин. Бунда феълдан англашилган ҳаракатни ундан англашилган агенс бажарганлиги тушунилади. Бу ҳаракат қандай бўлганлиги аста-секин равиши, яъни феълнинг ҳолат актанти берилган.

*Ҳилол бешик каби чайқалди аста,
Гулгин дарбозага суяндим хаста.*

(Ибол Мирзо)

М. Миртожиёв феъл валентлигининг қуйидаги актантлари ҳақида фикр юритар экан, унда гарчи ҳолат актанти бўлсада, лексик-синтактик валентликка оид деб бўлмайди.

Масалан,

*Чиганоқлар эса суюқ дил билан
Тошнинг ковагида аччиқ йиғларда.*

(Иқбол Мирзо)

Ушбу аччиқ йиғларда бирикмасидаги аччиқ сифати (актант равиши) йиғламоқ феълнинг ҳолат валентлигига боғланмайди, яъни классемага эга эмас. Бу ўринда фақат шакл семантикаси валентлиги бор деб қарашимиз нотўғри бўлади (оҳлар урса ёниб тинглардим).

Феълнинг ҳолат валентлиги асосан равиш туркумига оид сўзларда, яна у феълнинг равишдош хосланган шаклда, мушдек сифат

отларда ҳам ифода топаверади. Равиш туркумида сўзлар ҳолат валентлиги актанти учун энг мос ифодаловчи бўлиб, феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат қандай бажарилишини аниқ, раво, ёрқин кўрсата олади. Ҳар қандай ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиш тарзи бўлиши диалектик қонуният бўлиб, ҳаракат ва ҳолат феълларининг ҳаммасида ҳолат валентлиги бўлиши табиий. Феълларнинг ўтимли ва ўтимсиз бўлиши бунга чегара бўла олмайди.

Демак, ҳолат валентлиги ҳаракат ва ҳолат билдирувчи феълларда ўтимли ва ўтимсиз феълларда ҳам кузатилиб у деярли ҳолатда семантик, яъни яна тўғрироғи лексик-семантикдир.

Феъллар ўз ҳолати актанти билан ҳолат семасига кўра классемани таркиб топтиради. Унинг морфологик кўрсаткичи йўқ. Чунки у равишдошлар, сифатлар ва ҳатто отларда ҳам намоён бўлади. Унинг актанти реалсив бирикмалар таркибида тарз ҳоли вазифасида келади.

*Ҳовузнинг тубинда ёлғиз гуммоҳ
Ўтли оҳлар урса, ёниб тинглардим.*

(Ибол Мирзо)

*Исмимни ҳеч айтолмасди, уяларди,
У жилмайса, кун чиққандай туюларди.*

(Ибол Мирзо)

Хуллас феъл лексикаси семемасининг айрим семаси билан ўзи бошқариб келган сўз семемасининг айрим семемасига мос келиши, яъни классемани таркиб топиши шу феълнинг лексик-семантик валентлиги билан намоён бўлишидир. Валентлиги эгаллиги ҳолда,

унда агенс, объект, мазмун, адрэсат, ўрин, қурол, восита, ҳолат валентликларини намоён этади. Улардан ҳолат валентлиги актанти, “ҳолат” семасига кўра ҳоким сўз бўлган феъл классемани таркиб топтиради. Морфологик кўрсаткич агенс актантида бош келишик, объект актантида мазмун келишиги, ўрин актантида макон келишиклари ва баъзан тушум келишиги, қурол ва восита актантида ўрин келишигидир. Ҳолат актанти морфологик кўрсаткичга эга эмас. Синтактик жиҳатдан меёрига тизимларига агенс валентлиги актанти кўпинча эга объект ва мазмун валентлиги актант воситасиз тўлдирувчи ўрин валентлиги актанти ўрин ҳоли, қурол, восита ва адрэсат валентликлари актанти воситали тўлдирувчи, ҳолат валентлиги актанти тарз ҳоли вазифаларида келади³⁵.

³⁵ Mirtojiev M. O'zbek tilida fe'l valentliklari. – T., 2007, 34-bet.

2.2.Аргументлар ўртасидаги шаклий – семантик мувофиқлашув

Бунда шакл ва мазмун боғлиқ бўлади, унинг бирида вужудга келган муаммо бошқасида ҳам бошқа бир муаммога туртки бўлади.

Ҳ.Неъматов ва Р.Расулов шакл ва мазмуннинг ўзаро боғланиши иккиламчи сунъий ҳамда ббирламчи ижтимоий – анъанвий боғланиш ҳисобланади. Ана шундай бирламчи ижтимоий – анъанавий боғланишлар белгиларга нисбатланиб, тилга ана шундай рамзлар тизими сифатида баҳо берилади. Ана шу нарса эътироф этиладики, иккиламчи боғланишларда шакл ва мазмун боғланиши мутаносиб (яъни битта шаклга битта мазмун тўғри келади) бўлса тилга ҳос бирламчи ижтимоий – анъанавий боғланишларда шакл ва мазмун бирликлари ҳамма вақт ҳам мутаносиб бўлавермайди. Тилдаги шакл ва мазмун мутаносиблигининг сабаби сифатида тил бирликларининг моҳияти оддийгина шакл ва мазмун боғланиши билан эмас, балки парадигматик ва синтагматик муносабатлар орқали аниқланади.

Туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида ҳам феъл валентлиги семемасидаги семалари асосидагина эмас, шаклий семантикаси асосида ҳам бўлади. Бундай валентлик шакл семантикаси валентлиги деб аталади. Бу кўпроқ феълнинг кесим вазифасидаги қўлланганда кузатилади. Феъл кесимларда бу имконият анча кенг бўлиб, уни шахс – сон, замон, нисбат, бўлишсизлик категорияларида қўришимиз мумкин.

Агенс валентлиги. Кесим вазифасидаги феъл шахс – сон билан туслашса, шу гапда унинг шахс – сонда мос актанти намоён этилади.

Масалан, ўзбек тилидаги *келдим* I шахс бирлик шаклида қўлланган. Шунинг учун унинг агеңси I шахс бирликдаги кишилик олмоши билан ифодаланади ва гапда эга вазифасида келади. Ўзбек тилининг поэтик нутқида ҳам буни кўришимиз мумкин. Масалан, Иқбол Мирзонинг қуйидаги шеърй парчалари мисолида кўриб чиқамиз:

*Ман ватан истарман, тан гулҳандадур,
Ўзим ҳар жойдаман кўнглим сандадур.*

(Иқбол Мирзо)

*Йўқлов айтиб мен ўзимни овутаман
Кўз ёш тўкиб юрагимни совутаман.*

(Иқбол Мирзо)

Кесим вазифасидаги феъл бирликдаги I шахс шаклида. Шунинг учун шунга мос кишилик (мен) олмошидан бирини агеңс актоңтларидан бири сифатида қабул қилинган.

Мен + истар + ман + I шахс бирлик

Мен + овутмоқ + ман + I шахс бирлик

*Мен ерга боғланган бир банда эдим,
Саҳар бориб, оқшом қайтардим ишдан.
Сен келдинг...
Сен, ахир, қайлардан келдинг?*

Кўклардан тушдингми, маъсум фариштам

Келтирилган мисолдаги кесим вазифасидаги феъл бирликдаги I шахс ва II шахс шаклида берилган ва шунга мос келишик олмошларини агенс актонтларидан бири сифатида сайлаган:

Кишилик олмоши + тўлиқсиз феъл + I шахс бирлик

Кишилк олмоши (сен) + феъл (кел) + II шахс бирлик.

У кунлар ўтади бироқ ўйласам.

Куёш иммилайди, куним ўтмайди.

Энг машҳур ҳофизнинг қўшиқлари ҳам.

Ўша ўланларга етмайди.

У (кўрсатиш олмоши) + кунлар (от, кўплик) + ўтмоқ (феъл) + III шахс бирлик

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, поэтик нутқда ҳам кесим вазифасидаги феъл I, II, III шахс шаклида берилса, шунга мос кишилик олмошларидан бири сифатида сайланади. Улар кўпликдаги I ёки II шаклини олса, биз ёки сиз олмошидан бирини талаб қилади. Кесим вазифасидаги феъл III шахс бирликда бўлса, у III шахс бирликдаги олмошни ҳам III шахс кўпликдаги олмошни ёки отни ҳам актант ўрнида танлаши мумкин. Бу ўринда гап мантиққа қаралади. “У кунлар ўтади” синтактик бирликдаги от (кунлар) кўплик шаклида феъл (ўтади) бирлик шаклида бўлиб, шакл жиҳатдан номутаносиб, лекин мазмунан мутаносибдир.

Кесим вазифасидаги феълнинг агенс валентлигини намоён этган актанти гапда эга вазифасини ўтагани ҳолда, деярли кишилик олмошларида ёки улар ўрнидаги ўзлик олмошида ифода топади. Агар кесим вазифасидаги феъл II шахс бирлик ёки кўпликда олинса, агенс актанти ундалма вазифасида намоён бўлиши ҳам мумкин.

*Тирикка меҳр йўқ, марҳумга қаҳр,
Нима топдик, ака, тупроққа тушиб?*

*Сен ахир қайлардан келдинг?
Кўклардан тушдингми, маъсум фариштам!*

Юқоридаги мисолда феъл II шахс бирлик шаклида келиб (топдинг, тушдинг), агенс актанти ундалма вазифасида намоён бўлган (ака, маъсум фариштам)

Айтилганидек, кесим вазифасидаги феълларнинг шахс – сон кўрсаткичига эга бўлиши ва шунга кўра агенс валентлиги намоён этилиши ўзбек тилининг поэтик нутқига хос фаол ҳодисадир.

Демак, кесим вазифасидаги феълга қўшилиб келадиган шахс – сон кўрсаткичи ўз семантик валентлигига эгалиги ҳолда, у кишилик ёки ўзлик олмоши баъзан агентив семантикага эга бўлган от ёки отлашган сўзларда ифодаланган актантда намоён бўлади.

Предикатив синтагма гап таркибида бажарилиши мумкин бўлган вазифалардан бири – сифатловчи бўлиб келиши. Бундай вазифада келиши учун энг мос предикатив синтагма кесими сифат ёки от билан

ифодаланган бўлиб, унинг актанти от сўз шакл билан ёки от бирикма билан ифодаланади.

*Синган одам, туйғулари тинган одам,
Синган одам, қисматига кўнган одам.
Синиқ қилиб, синиққина кўришади,
Кун кўради, яшамайди синган одам.*

(Иқбол Мирзо)

*Шу кимсанинг ёнида мен нимаман,
Балки унинг юкин ортган кемаман.*

(Иқбол Мирзо)

*Денгиз тубидан дур излаган ғаввос,
Заҳрони кўзлаган шунқор фазогир.
Сенинг қўлингдан ризқ терганлиги рост,
Илми амалида ҳимматинг зоҳир.*

(Иқбол Мирзо)

Предикатив синтагма сифатловчи бўлиб келиши учун бундай синтагма предикатив шаклидан ажратиб шаклга ўтиши (айланиши) лозим. Асли бундай ўзгариш синтагмада яхлитлигича содир бўлади, лекин амалда кесим бўлакнинг ўзи ўзгаради. Шу сабабли асосий эътибор кесимга қаратилади. Юқоридаги туйғулари синган одам, ортган кема, излаган ғаввос, кўзлаган шунқор фазогир синтагмалари сифатдош билан ифодаланган бўлиб, отга қўшилиб предикатив

синтагма хосил қилган ва сифатловчи вазифасида келган. Шеърятда бундай шакл кўп учрайди ва нутқ таъсирчанлигини, диққатни белгилайди.

*Эҳтимол, мен ўзим хаёлпарастман,
Балки сал худпараст, салгина нодон.*

(Иқбол Мирзо)

*Фаргона томонлартуманли, лойли,
Тумани чиройли, лойи чиройли,
Во ажаб, бугун ҳам Кумуш ва Лайли
Сочлари белида дор бўлиб ўтар.*

(Иқбол Мирзо)

*Тупроқ кўчиб кетган, шўрланган тупроқ,
Сўрида якандоз эзилган ёмон.
Хонтахта устида сарғайган япроқ...
Устунга юз босиб, йиғлайди чопон.*

(Иқбол Мирзо)

Кесими *бор*, *йўқ* кесимлик сўзи билан ифодаланган предикатив синтагмалар. *Бор* *йўқ* сўзлари кўпинча бирор туркумга киритилмайди. Баъзи адабиётларда бу сўзлар модал сўзлар қаторига киритилади. Асли *бор*, *йўқ* сўзлари ўзбек тилшунослигида ҳали ажратилмаган ҳолат сўзлари (предикативлар) қаторига киритиш тўғрироқ бўлса керак.

Чунки бу сўзлар нутқда асосан кесим вазифасида келади.

Бор, *йўқ* сўзлари кесим бўлиб келса, тусловчи қабул қилади:

*Сен борсан кўзим тўқ, кўнглим тўқ менинг
Бугдой ноним бордир, бугдой сўзим бор.*

(Иқбол Мирзо)

Кесим бор +II шахс бирлик бўлиб, эгаси кишиликолмоши билан ифодаланган

*Ёмонга ўлим йўқ, яшига кун йўқ,
Томирига қўшиб олишар узиб,
Бобур йўқ, чўлпон йўқ, Мажнун йўқ,
Муҳаммад Юсуф йўқ, Муҳаммад Юсуф.*

(Иқбол Мирзо)

Бунда эга бўлаги одатда от билан ифодаланади ва йўқ сўз шакли III шахс тусловчисини олган ноль кўрсаткичдадур: ёмонга ўлим йўқ + III шахс

Йўқ, бор сўзлари кўпроқ поэтикада кесим бўлиб келган ҳолатда учрайди:

*Бўйингдан кетган йўқ ҳали дор изи,
Қўй, қора кунларнинг ўчсин қароси!*

(Иқбол Мирзо)

*Ниначининг қанотдек баргинг бор,
Асал ва сут бўйи келар атринг бор.
Қадринг билиб ёқладингми қадринг бор,
Ёлғизгинам, ёлғизларга ёрмисан.*

(Иқбол Мирзо)

*Кўнглимиз йўқ, доғимиз бор, доғи йўқ, дилҳохимиз бор,
Гуноҳқормиз кўнгил бердик, энди тан олмоғимиз бор.*

(Иқбол Мирзо)

*Ҳаёт, сизга йўқ саволларим,
Ҳаёт, ҳаммасига энди тушундим.*

(Иқбол Мирзо)

Кесими от билан ифодаланган предикатив синтагмалар. Бунда от лексема билан ифодаланган кесим қаратқич ва тушум келишкларидан ташқари бошқа келишик шаклида бўлади ёки келишик ўрнига тусловчи олиши ҳам мумкин. Демак, кесим вазифасидаги от лексема, тусловчидан ташқари, сон ва келишик категорияларининг ҳом шаклини олган бўлади. Келишик от лексеманинг субетантив шаклда бўлишини таъминлайди ва предикатив шаклга ўзгаради:

*Тирноқларинг тиллодан,
Бармоқларинг ҳолводан,
Ман тамшаниб ўтарман,
Аччиги тез дунёдан.*

(Иқбол Мирзо)

Кесим от лексема билан ифодаланиб (тилло, ҳолва), чиқиш келишиги (-дан) шаклини олган ва предикатив шаклга ўтган.

*Мени ёмон ранжитдинг,
Сендан қаттиқ хафаман.*

(Иқбол Мирзо)

*Қалдирғоч – кўкламнинг лангари,
Хут келди булутда – кемада.*

(Иқбол Мирзо)

*Шоирлик гирт бекорчига иш,
Юмушим шу ҳаёл сураман.
Нима ҳақда? Ноқулай айтиш...
Сизни ҳамон яхши кўраман.*

(Иқбол Мирзо)

Кесим от билан ифодаланган хафа, лангар, иш сўзларига I шахс тусловчиси (-ман) + хафа + ман; кўкламнинг лангари бирикмасида ҳам қаратқич келишиги (-нинг) ва III шахс эгалик (-и) формаси қўшилган ҳолда кўришимиз мумкин. Кўклам + нинг (қаратқич келишиги) лангар + и (эгалик қўшимчаси III шахс)

Поэтикада от туркуми билан ифодаланган предикатив синтагма жуда кўп учрайди. Бу эса поэтиканинг турли хил кўринишларини ва ўзига хослигини кўрсатади:

*Икки дарё ўртаси кенг дастурхон,
Туз тотгансан тузлигингни унутма.*

(Иқбол мирзо)

*Нишонига бориб теккан ўқ,
Юрагим қон. Яхши кўраман.*

(Иқбол Мирзо)

*Уйдан мозоргача юз одимча йўл,
Айланиб келамиз юртларни кезиб*

(Иқбол Мирзо)

Кесими феъл билан ифодаланган синтагмалар. Предикатив синтагма гап бўлиб келса, феълликнинг бир функционал шаклида, яъни тусланишли шаклда номоён бўлади. Бу ҳолатни поэтик нутқда кўпроқ учратамиз:

*Ошно топдим, валекин дўст топмадим,
Оққўнгиллик бир қора кўз топмадим.
Шамолларга совурдим гул сўзларим,
Лекин сизга бир ширин сўз топмадим.*

(Иқбол Мирзо)

*Мудом ёруғ бўлсин дарчаларингиз!
Менга кўчиб ўтсин барча дардингиз!
Мен сизни авайлаб чарчамадим ҳеч!
Сиз кўнглим оғритиб чарчамадингиз.*

(Иқбол Мирзо)

Юқоридаги предикатив синтагмаларга аргумент олмош билан ифодаланган бўлиб феъл тусланишли шаклида номоён бўлган:

Топди + м I шахс бирлик; олмош (мен) + феъл (чарчамоқ) + замон (-ди) + I шахс бирлик (-м) олмош (сиз) + феъл (чарчамоқ) + замон (-ди) + II шахс бирлик (-нгиз)

Ризвонларга кетайлик,

Осмонларга кетайлик,

Осмонларга сизмасак,

Қўқонларга кетайлик.

(Иқбол Мирзо)

Предикатив синтагма аъзоси бўлган кесим I шахс кўплик (кет + айлик) шаклида номоён бўлган.

Предикатив синтагмаларда эга от билан ифодаланиши ҳам мумкин. Бунда кесим III шахсда бўлади:

Бир боғлам нур ўйнар ой ўроғида,

Юлдузлар қайроқи донга ўхшайди,

Қуёш олтин бошоқ саҳар чоғида,

Оқшомда мағзу – донга ўхшайди.

(Иқбол Мирзо)

Уч кунда куз келди,

Дунё қариди.

Тераклар бош чайқаб қолдилар маъюс.

Тошлар ўрмалайди анҳор қаърида,

Анҳор қайлардадур шошади хануз.

(Иқбол Мирзо)

Юқоридаги “ўхшайди, келди, қариди, қолдилар, шошади” феъллари III шахс бирлик шаклида ҳамда III шахс кўплик (-лар) шаклида ифодаланган. Уларнинг ҳаммаси от туркумидадур.

(юлдузлар, қуёш, куз, тераклар, тошлар, анҳор)

Предикатив синтонларнинг кесими сифатловчи бўлиб келса, феълларнинг бошқа бир функциялар шаклида – сифатдош шаклида номоён бўлади:

Биз суйган мажнунтол кесилиб кетган,

Кейин ўтин бўлган.

Кейин аланга.

Кесилган юракнинг яраси биткан,

Сени унутганман. Унутганман...

(Иқбол Мирзо)

Бундай предикатив синтагмаларда эга от билан ифодалангани (мажнунтол, ўтин, яраси) сабабли кесим III шахсда бўлади. (кетган, бўлган, биткан)

Маълумки, – ган билан ясалган ўтган замон шаклида III шахс тусловчиларининг ифода жиҳати нолга тенг. Алар предикатив

синтагмада эга бўлиб I, II шахс кишилик олмоши келса, тусловчи билан ифодаланади:

*Мен кетаман, гулгунча,
Қараб қолмагин дедим.*

(Иқбол Мирзо)

Олмош (мен) + феъл + I шахс бирлик.

*Сен чиройли қиз эдинг,
Сен чиройли кулардинг.
Сал хунукроқ бўлсайдинг
Ўзимники бўлардинг.*

(Иқбол Мирзо)

Олмош + феъл + II шахс бирлик. Ёки

*Холвасидан тотганман,
Сумалак яламайман.
Қизлархонни топганман,
Бошқага қарамайман.*

Бу ерда сифатдош шаклида бўлиб I шахс бирлик билан ифодаланган. Олмош билан ифодаланган эга контекстда жойлашган.

Замон шакли, – ган сифатдош аффикси билан ясалган предикатив синтагма атрибутив шаклига киради ва гапда сифатловчи бўлиб келади. Масалан:

*Одам борми бу манзилга келмайдиган,
Одам борми келишини билмайдиган,
Тирик одам борми сени тергайдиган?
Деган савол майсаларни чулғаб чиқди.*

(Иқбол Мирзо)

*Мен сенга боғлаган бир банди, асир,
Кеча туйғуларни кўклатган кўклам.*

Юқоридаги “келмайдиган”, “билмайдиган”, “тергайдиган”, “боғланган”, “кўклатган” сўз шакл таркибида ҳам замон, ҳам сифатдош шакли қўшилиб предикатив синтагма таркибидаги феъл сифатловчи вазифасида келган.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, предикатив синтагма поэтик нутқда эга I, II шахс кишилик олмоши билан, шунингдек, I, II шахс эгалик аффиксини олганда синтагманинг кесими эга бўлагига мувофиқлашган ҳолда тусланади. Предикатив синтагма сифатдош (–ган) шакли билан ифодаланиб, сифатловчи вазифасида келганда тусловчи ташланади ёки мословчи бўлмайди:

*Дардим бору юрагимда дармоним йўқ,
Замонимдан айрилганман, маконим йўқ. (Иқбол Мирзо)*

*Балки, бу шунчаки тўкилган япроқ,
Номсоз дарахтларнинг илтижосидан (Иқбол Мирзо)*

Феъл + (-ган) сифатдош + тусловчи = кесим.

Феъл + (-ган) сифатдош + тусловчи = сифатловчи.

Эга	Кесим
Олмош	I,II,III шахс
От	III шахс
	Феъл + ган III шахс ноль форма

Х у л о с а

Муайян тилнинг ривож топишида унинг ижтимоий функцияси муҳим ўрин тутди. Тил услублари унинг вазифаларини маълум даражада акс эттириб, унга ўзига хос чегара ва шаклларни вужудга келтиради. Бадиий услубда тилнинг бор имкониятлари тўлақонли равишда номоён бўлади. Айниқса, шеърятда тил ўзининг чексиз кўламга эга бўлмай, энг сўнгги қирраларини очди. Бундан кўриниб турибдики, тил адабиёт билан чамбарчас боғлиқдир. Дарҳақиқат, ҳосил бўлган бидиё матн адабиёт маҳсули бўлса, унинг материали тил воситаларидар. Бадиий асар тилини ўрганиш натижасида лингвопоэтика тушунчаси кириб келди. Бу эса кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида бадиё матн таҳлили масалаларига катта эътибор берилиб, соҳанинг янги – янги қирралари ўрганилмоқда.

Лингвопоэтика адабиётшунослик фанлари эришган ютуқлардан фойдаланган ҳолда, бадиий матн устида тадқиқотлар олиб боради. Бизнингча, лингвопоэтик таҳлил кенг қамровли жараёндир. Унда нафақат адабиётшунослик ва тилшуносликнинг, балки социология, психология, эстетика, фалсафа каби фанлар эришганилмий – назарий ютуқлардан фойдаланиш мумкин.

Кейинги йилларда тилинг барча сатҳ бирликларини системавийлик тамойиллари асосида қайта ўрганиб чиқиш ҳаракати бошланди. Ана шундай ҳаракат туфайли ўзбек тили синтаксисини системавий тадқиқи икки йўналишга олиб боради: формал – синтактик ва формал – функционал йўналишлар.

Ҳар икки йўналиш тарафдорлари гапнинг конструктив бирлиги сифатида кесимни эътироф этадилар. Гапнинг бошқаузвлари шу марказий бўлакнинг мазмуний ва грамматик асосида белгиланади.

Шакл ва мазмун муносабатини тақдим иш жараёнида шакл ва мазмун мутаносиблик, номутаносиблик, синтактик трансформация ўртасидаги шаклий – семантик мувофиқлашу Иқбол Мирзо шеъриятида кўриб чиқилди. Бу феълнинг кесим вазифасида қўлланганда кузатилди. Феъл – кесимларда бу имконият анча кенг бўлиб, уни шахс – сон, замон, бўлишсизлик категорияларида кўришимиз мумкин.

Таҳлиллардан кўринадики, поэтик нутқда ҳам кесим вазифасидаги феъл I, II, III шахс шаклида берилса, шунга мос кишилик олмошлардан бири сифатида сайланади. Улар кўпликда I ёки II шахс шаклини олса, биз ёки сиз кишилик олмошдан бирини талаб қилади. Кесим вазифасидаги феъл (ўтади) бирлик шаклида бўлиб, шакл жиҳатдан номутаносиб, лекин мазмунан мутаносибдир. Бу эса, кесим вазифасидаги феълларнинг шахс – сон кўрсаткичига эга бўлиши ва шунга кўра акс валентлиги номоён этилиши ўзбек тилининг поэтик нутқига хос фаол ходисадир.

Бадий нутқнинг таъсирчанлигини таъминлашда синтактик усулдан кенг фойдаланилади. Шоир Иқбол Мирзо ижодида бундай усуллар (синтактик параллелизм, эмоционал гап, риторик сўроқ гап, инверция, градация, антитеза, оксиморон) ходисасига бойлигини кўришимиз ва кўплаб учратишимиз мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда синтаксиснинг марказий бирлиги бўлган гапнинг асосий белгиси сифатида предикативлик эътироф этилмоқда. Шунга мувофиқ предикатив синтагма таркибидаги кесимнинг турли вазифаларга келиши поэтикада кўриб чиқилди. Улар: кесими сифат билан ифодаланган синтагмалар, кесимлик сўзи билан ифодаланган ҳамда феъл билан ифодаланган предикатив синтагмалар

Иқбол Мирзо шеърлари мисолида атрофлича ёритилди ва ўзига хос хусусиятлари белгиланди.

Ишимизнинг II боби “Бадий матнда мувофиқлашув масаласи” бўлиб, бунда мувофиқлашув масаласи валентлик нуқтаи назаридан Иқбол Мирзо шеърларида янги поэтик нутқда таҳлил қилинди. Ҳозирги кунда кўпроқ синтактик валентлик ва семиотик валентлик ажралмоқда.

Синтактик валентлик бу маълум мустақил сўзнинг бошқа мустақил сўз билан бирика олиш имкониятидир. Синтактик валентлик сўз маъноси билан боғланган, демак, у семиотик валентлик билан чамбарчас боғлиқдир. Лексик – семиотик валентлик лексемалар ўртасидаги турли синтагматик муносабатларни кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, лексик – семантик валентликни тўрт тури поэтик нутқда ўз ифодасини топган. Улар: ўрин валентлиги, ҳолат валентлиги, сабаб валентлиги, восита валентликларидир. Синтактик жиҳатдан уларнинг қандай вазифаларда келиши Иқбол Мирзо шеърларида кўриб чиқилди.

Хулоса сифатида айтиш керакки, ўзбек тилининг мослигига системавий структур нуқтаи назардан урганиш натижасида гапнинг мазмуний ва конструктив маркази кесим эканини, гапнинг эгаси ҳам кесим орқали белгиланиши ва унга тобе экани кўрсатиб беради. Юқоридан келиб чиқиб поэтик нутқда ҳам биринчи ўринга предикат қўйилади ва унга боғланувчи аргументалр ўртасидаги лексик – семантик, шаклий – семантик муносабатлар ифодасини топди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Тошкент., 2011.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият –энгилмас куч. – Тошкент., 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент, 1999.
4. Бегматов Е. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент., 1985.
5. Ирисулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент., 1992.
6. Неъматов ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент, 1995, 55-бет.
7. Нурмонов А., Искандарова Ш. Умумий тилшунослик – Андижон, 2007, 43-бет.
8. Нурмонов А. Тил тизими ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. – ЎТА. №1, 1983, 27-29- бетлар
9. Нурмонов А. Лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари.- Тошкент., 2010, 84-бет.
10. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Андижон, 2006.
11. Нурмонов А. Танланган асарлар, II жилд, Лингвистик таълимотлар тарихи. – Тошкент., 2012.
12. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ., Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент: «Ўқитувчи» нашриёти. 1983.
13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II томлик. – М., 1981.

14. Содиков А., Абдуазизов А., Ирисулов М. Тилшуносликка кириш – Тошкент,
15. Хожийев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент., 1985.
16. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжайев С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Т., 1992.
17. Ўзбек тили грамматикаси, II том, синтаксис. – Т., 1976.
18. Есперсен О. Философия грамматии. – М., 1958.
19. Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. – М., 1976.
20. Падучева Е.В. О семантике синтаксиса. – М., 1974.
21. Распанов И.П. О так называемое семантической структуре предложения. – В.Ш., 1981.
22. Сусов И.П. Семантическая структура предложения. – М., 1973.
23. Богданов В.В. Семантика- синтаксическая организайия предложения. – М., 1972.
24. Панфилов В.З. Грамматика и логика. – М., 1963.
25. Апресян Ю. Д. Лексическая семантика. – М., 1974.
26. Маҳмудов Н.М. Ўзбек тилидаги сода гапларда семантис- синтактик ассимметрия. – Т., 1984.
27. Хайруллайева М., Ҳақбердиев М. Логика. – Т., 1984.
28. Раҳматуллаев Ш. Семема мустақил тил бирлиги// Ўзбек тили ва адабиёти. 1984, 5-сон.
29. Мамажонов А. Текст лингвистикаси. – Т., 1989.
30. Бобойев Т., Бобойева З. Бадиий санъатлар. – Т., 2001.
31. Қиличев Е. Матннинг лингвистик таҳлили. – Бухоро, 2000.
32. Юлдашев М. Бадиий матн таҳлили. – Т.

33. Қўчортойев И. Сўз валентлиги ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, 3-сон.
34. Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Т., 1989.
35. Ёқуббекова М. Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. - Тошкент., 2005.
36. Бозоров О. Ўзбек тилида гапнинг актуал бўлиниши.НДА – Фарғона., 2004.
37. Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж., Бадий текстнинг лингвистик таҳлили. - Тошкент., 1990.
38. [http: // www. shtom su. net /ashow flat. php? cat](http://www.shtom.su.net/ashowflat.php?cat)
39. portal.nuu.uz/filologiya/books/285Komus%20TAYYR+.doc
40. uzmu2al.uz/kutubxona/download.php?id=114@type